

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqan boshlagan ● 2023-yil 19-may, №20 (3030)



BIZ
HAQIMIZDA

@ vatanparvar-bt@umail.uz

t.me/m

t.me/

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

IJTIMOIIY-SIYOSIIY, M... IY-VATANPARVARLIK GAZETASI

www.mv-vatanparvar.uz



“IBRATLI HARBIY OILA” ANIQLANDI

15-may – Xalqaro oila kuni munosabati bilan Davlat xavfsizlik xizmati Chegara qo'shinlari qo'mondonligida “Yangi O'zbekistonning ibratli harbiy oilasi” shiori ostida o'tkazilgan “Ibratli harbiy oila” ko'rik-tanlovining respublika bosqichi bo'lib o'tdi.

7

AJDODLARIMIZ FEYK MA'LUMOTLARGA QARSHI QANDAY KURASHGAN?

Bugungi kunda neologizm sifatida qaralayotgan axboriy savodxonlik, mediasavodxonlik, faktcheking kabi tushunchalarning aslida milliy tarixiy ko'rinishlari mavjud. Oyina.uz kolumnisti mazkur maqolada qadimiy manbalar, asarlarni mediata'lim kontekstida tahlil etdi.

10-11

BOKS: O'ZBEKISTON DUNYO MIQYOSIDA TENGSIZ

Poytaxtimizda ilk bor o'tkazilgan boks bo'yicha jahon chempionatida 100 dan ortiq mamlakatdan 550 nafarga yaqin sportchi qatnashib, 13 ta medal shodasi uchun o'zaro jang olib borishdi. O'zbekiston terma jamoasi tarixiy natija qayd etdi – dunyo birinchiligining jami 9 ta medaliga sazovor bo'ldi. Final janglarining 7 tasi muzaffar bokschilarimiz ishtirokida kechdi!

18

MASHG'ULOTLAR TOBLAYDI





ютуқларга тўхталар экан, ўзаро яқин дўстона муносабатлар ўзбек-қозоқ алоқаларини янги стратегик шерикчилик босқичига кўтариб, иттифоқчилик муносабатлари мустаҳкамланаётганини қайд этди.

Икки давлат мудофаа вазирлари ҳарбий соҳада эришилган ютуқлар ва келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган масалалар борасида ҳам ҳамкорликни давом эттиришнинг истиқболли таклифлари билан чиқди.

Учрашувдан сўнг Қозоғистон Республикаси ҳарбий делегацияси Ўзбекистон мудофаа вазири ҳамроҳлигида «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, «Матонат мадҳияси» ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди. «Шон-шараф» давлат музейи фаолияти билан танишди.

Шу куни меҳмонлар Тошкент ҳарбий округи «Ангрен» дала-ўқув майдонида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳарбий хизматчилари ўртасида ўтказилган «Қалқон – 2023» ҳамкорликдаги ўқув машғулотларини ҳам кузатишди.

Ҳамкорликдаги мазкур ўқув машғулотлари ҳақида

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

Дўстона ҳарбий муносабатлар

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов расмий ташриф билан юртимизга келган Қозоғистон Республикаси мудофаа вазири генерал-полковник Руслан Жақсилиқов бошчилигидаги ҳарбий делегацияни қабул қилди.



Дастлаб меҳмонларни Фахрий қоровул иштирокида расмий кутиб олиш тадбири бўлиб ўтди. Ҳарбий оркестр томонидан икки давлат мадҳияси ижро этилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий

аппаратида ўтказилган икки томонлама ҳамкорлик учрашувида генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов қозоғистонлик ҳамкасбини Ўзбекистонга уюштирган ташрифи билан қутлаб, мустақиллик йилларида

икки давлат ўртасида ўрнатилган дўстона ҳарбий муносабатларнинг фақат ижобий томонга силжиб бораётганини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон мудофаа вазири икки томонлама ҳамкорликда эришилаётган

газетамизнинг навбатдаги сониди батафсил маълумотлар берилади.

**Мудофаа вазирлиги
 Ахборот ва оммавий
 коммуникациялар
 департаменти**



ИНСОН МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Мудофаа вазирининг ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори адлия полковниги Ботир Кудратхўжаев ҳамда Қуролли Кучлар тизимидаги тегишли вазирлик ва идоралар мансабдор шахслари Шарқий ҳарбий округ Фарғона, Андижон ва Наманган гарнизонларида сайёр ва оммавий қабул ўтказди.



Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини ўрганиш мақсадида

ташкил этилган қабуллар давомида келиб тушган ҳар бир мурожаат атрофлича ва қонун доирасида ўрганилди. Фуқаро ва ҳарбий хизматчилар билан ўтказилган яқка тартибдаги суҳбатлар туфайли кўплаб инсонларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Энг кўп мурожаат тиббий хизмат, нафақадаги ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси, хизмат жойини кўчириш ҳамда уй-жой масаласи бўлди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўтказилган оммавий сайёр қабулларда

600 га яқин мурожаат ўрганиб чиқилди. Шулардан 300 га яқини ижобий ҳал этилди, 200 га яқини тегишлилиги бўйича мутасаддиларга йўналтирилди ва 100 дан ортиқ мурожаат назоратга олинди.

**Шарқий ҳарбий округ
матбуот хизмати**



МАШҒУЛОТЛАР



ТОБЛАЙДИ

...Чарақлаб турган осмон зумда қоп-қора булутлар билан қопланади. Қуёш тиғидан қочиб, соя жой қидириб турганингда (полигонда соя жой нима қилсин, унинг устига бу ер курорт эмас, ўз оти билан полигон!) бирдан шаррос ёмғир ёғиб юборади. Ёмғир тиниши билан эса кучли шамол бош кийимингни учириб кетади. Ортидан қувлашга чоғланганингда:



– У ёққа ўтманг! Ҳозир отиш машғулотни бошланади, – дейди ўқув нукта раҳбарларидан бири.

Тошкент ҳарбий округига қарашли дала-ўқув майдонларининг бирида ҳарбий хизматчиларнинг назарий билимларини синовдан ўтказишга қаратилган навбатдаги амалий ўқув машғулотни ана шундай бошланди.

Юрт ҳимоячилари машғулот режасига мувофиқ, жанговар техникаларда отиш нуктасига етиб келиш,

белгиланган нишонларни йўқ қилиш, қисқа вақт ичида ўз позициясини хавфсиз тарзда ўзгартириш каби вазифаларни бажарди. Шунингдек, жанговар иккилик ва жанговар учлик шаклида ҳаракатланишнинг самарали усуллари ҳам кўриб чиқилди.

Гуруҳ шахсий таркибига кўрсатма бераётган командирларнинг гапи тез-тез қулоққа чалиниб турибди:

«Ўқ узаётганда шамол йўналиши ва тезлигини ҳам инобатга олинглар!»

«Снайперлар, жангда омон қолиш учун ниқобланишга жиддий эътибор беринг!»

«Жанговар иккилик, жанговар учлик, сиз икки ё уч нафар жангчи эмассиз, яхлит вужуддек ҳаракат қилинг!»

– Полигондаги ўзгарувчан об-ҳаво бизнинг фойдамизга ишлайди. Чунки бундай қоришиқ фаслни жойи келса, уюштириб ҳам тополмайсиз. Бундай шароитда ўтказилаётган ўқувлар бизни янада тоблайди, – дейди қисқа

ва лўнда қилиб машғулот қатнашувчиси контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Азизбек Маматов.

Азизбекнинг гапида жон бор. Мунтазам равишда ўтказилаётган бу каби машғулотлар ҳарбийларимизнинг назарий билимларини амалиётда мустақамлаб, касбий маҳоратини оширмақда.

**Катта лейтенант
Исломжон ҚҶЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»**



ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва диниқоби остида уларни радикаллаштиришга уринишларнинг олдини олиш борасидаги устувор вазифалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Унда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари доимий комиссия раислари, қўмита ҳузур-

даги экспертлар гуруҳи аъзолари, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбар ходимлари иштирок этди.

Маърузачилар таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга



Muallif suratga olgan

ва халқимизга йўллаган мурожаатномасида юртимизнинг 2023 йил ва яқин истиқболдаги устувор мақсадларини белгилаб берди. Бу мақсадларга эришишнинг асосий омиллари эса давлат ва халқнинг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги, фуқароларнинг давлат идоралари вакилларида розилигидир.

Тадбирда манфаатдор тузилмалар, вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида радикаллашувнинг олдини олиш, ёшларимизни турли иллатлар таъсиридан асраш бўйича мавжуд ҳуқуқий база ва амалиёт таҳлиллари асосида энг таъсирчан, самарали механизмларни жорий этиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида Мудофаа вазирлиги, ёшлар сиёсатини рўйбга чиқа-

ришга масъул бўлган тузилмалар, таълимга мутасадди вазирликлар ва кенг жамоатчилик билан биргаликда чин маънодаги ватанпарварлик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини ҳар бир ёш ватандошимиз қалбига, онгу шуурига сингдириш ишларини мутлақо янги босқичга олиб чиқишни даврнинг ўзи тақозо қилаётгани, ёшларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Маъруза ва муҳокамалардан сўнг билдирилган таклиф, мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

UCHRASHUV



АМАЛИЙ КЎНИКМА ОШИРИЛДИ

Олий ҳарбий таълим муассасаларида назарий билим билан бир қаторда амалий кўникмалар ҳам бериб борилаётгани мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

Токи назарий билимларни пухта эгаллаган курсантлар, жойларда хизмат вазифасини бошлагач, қийинчиликларга дуч келганда бардошли бўлиши ва ундан оқилона йўл билан чиқиб кета олишлари учун ҳам бундай кўникмалар жуда муҳим саналади.

Қуrollи Кучлар академиясида битирувчилар ва ҳарбий округ қўшинлари қўмондонларининг биринчи ўринбосарлари билан ўтказилган учрашув ҳам худди ана шундай кўникмаларни бойитишга хизмат қилди. Унда академиянинг тўртинчи босқич курсантлар ва магистратура босқичининг битирувчи офицерлари иштирок этди. Тадбирни академия бошлиғи полковник Бобур Шоёкубов кириш

сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг ҳарбий округ қўшинлари қўмондонларининг биринчи ўринбосарларига сўз берилди. Улар академия битирувчиларини қизиқтирган саволларга жавоб бериш билан бир қаторда, ҳозирда ёш офицерларнинг қўшинларда хизмат фаолиятини бошлагач, бўйсинувидаги шахсий таркиб билан ишлашдаги камчиликлар хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Шунингдек, бўлғуси офицерлар ўз устида тинимсиз изланиши, илм олиши, дунё тажрибасини мунтазам равишда ўзлаштириб боришлари, қолаверса, доимо сергак ва серғайрат бўлишга ўзида ирода топишлари кераклиги энг муҳим жиҳатлардан бири эканлигини ўз тажрибалари мисолида сўзлаб беришди.

Инсон қайси касбда бўлишидан қатъи назар, ўз ишини севмас экан,

яخشиси соҳасини ўзгартиргани маъқул эканлигига катта урғу берилди. Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас соҳага қадам қўйган ҳарбий хизматчи учун бундан ортиқ саодат йўқлигини ҳис қилиб яшаш бахти ҳаммага ҳам насиб этмаслиги эътироф этилди.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»



Muallif suratga olgan



ЯНГИ ЎЗБЕКISTONNING ИБРАТЛИ ОИЛАСИ

Марказий ҳарбий округнинг Жиззах гарнизонидаги Маънавият ва маърифат марказида «Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласиман!» шиори остида «Ибратли ҳарбий оила» кўрик-танловининг Мудофаа вазирлиги босқичи бўлиб ўтди. Унда мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев ва Марказий ҳарбий округ кўшинлари кўмондони полковник Фаррух Зиябаев иштирок этди.

Ушбу кун байрамона киёфа акс этди. Ҳарбий ва миллий куй-қўшиқлар садоси остида бинога кириб келган меҳмонлар Жиззах вилоятининг урф-одатларига хос хунармандчилик кўргазмасидан ҳам баҳраманд бўлдилар. Бу эса ташкилотчиларнинг танловни юқори савияда ўтказиш учун астойдил тайёргарлик кўрганидан далолат беради.

Шундай кўтаринки кайфиятда бошланган танловда тўққиз нафар ҳарбий оила «Оилам – менинг бахтим», «Мен уддабурон оила бекасиман», «Фарзандим – дилбандим», «Санъатим – саодатим» шартлари бўйича соғлом рақобат муҳити остида беллашди. Қизғин баҳс-мунозаралар мусобақанинг янада қизиқарли бўлишини таъминлади. Энг муҳими эса ҳар бир оила вакиллари танлов шартларини бажаришда бир-биридан қолишмасдан фаол иштирок этиб, чин маънодаги ибратли оилалар эканлигини исботлади.



Ҳа, ҳар йили Халқаро оила куни арафасида анъанавий тарзда ва йилдан йилга қизикарли ва файзли тус олаётган ушбу танлов ҳарбий оилалар орасидан энг намунали бўлиш билан бирга, ижодкорлик салоҳияти ва юксак интеллектуал қобилиятга эга бўлган чинакам ибратли оилаларни юзага чиқараётгани билан қимматли бўлмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича кўмита аъзолари Нодира Джанибекова ва Ойбарчин Бекмуродова, Ўзбекистон Касаба уюшмаси масъул ходими Ҳасан Ярмагов, таниқли ва маҳоратли актрисалар Барнохон Қодирова ва Ойгул Абдурахмоновадан иборат ҳакамлар ҳайъати танловнинг адолатли ва шаффоф тарзда ўтишини таъминлади.



Этиборга сазовор яна бир жиҳат, иштирокчи оилалар ижодий чиқишлари орқали ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуднинг миллий урф-одатлари ва анъаналарини ҳам тараннум этиб, шу орқали қадриятларимизга нечоғли ҳурмат-эҳтиромда эканликларини намоён этишди. Айниқса, чет тилларида бийрон сўзлаётган, спорт ва санъат билан мунтазам шуғулланаётган иқтидорли ва истеъдодли ўғил-қизларнинг шижоатини танлов якунида сўзга чиққан мудофаа вазири ўринбосари ҳам алоҳида эътироф этди.



Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, 1-ўринни майор Ғайрат Мадрахимовлар (ШҲО) оиласи эгаллади. 2-ўрин III даражали сержант Шариф Элмуродовлар (ТОҚҚК), 3-ўрин кичик сержант Ўқтам Примқуловлар (ТҲО) оиласига насиб қилди.

Ғолиб ва совриндорлар Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмаси, вилоят ҳокимлиги, округ кўмондонлиги ва бир қатор ташкилотларнинг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Марказий ҳарбий округ
матбуот хизмати**





15 май – Халқаро оила куни муносабати билан Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмондонлигида «Янги Ўзбекистоннинг ибратли ҳарбий оиласи» шиори остида ўтказилган «Ибратли ҳарбий оила» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

«ИБРАТЛИ ҲАРБИЙ ОИЛА» АНИҚЛАНДИ



Бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган танловда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган ҳарбий оилалар иштирок этди.

Биринчи шарт «Саломлашув» деб номланиб, унда қатнашчилар ўз оилаларини шеърий тарзда, куй-қўшиқ, рақслар ҳамда видеоларлар ёрдамида батафсил таништиришди. Мазкур шарт давомида ҳарбий оилаларнинг рамзий либоси, кўкрак нишони ҳамда шиорларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Иккинчи шартда қатнашчилар кундалик ҳаётда учраб турадиган турли иллатлар, оилавий муаммоларнинг салбий оқибатларини таъсирли сахна кўринишлари орқали намойиш этди. Мазкур жараёнда оила аъзоларининг истеъдоди, уюшқоқлиги, айниқса, сахна кўринишларида фарзандлари-

нинг ишонарли чиқишлари барчага бирдек манзур бўлди.

Албатта, ҳар бир оилада кенг дунёқараш шаклланиши, билим, салоҳият ва тафаккурнинг юқори даражада бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Айни шу маънода, танлов иштирокчиларининг зукколиги ва салоҳиятини синовдан ўтказувчи учинчи шарт «Билимдонлар баҳси» деб номланиб, унда оилалар ижтимоий, сиёсий ва ҳаётий мавзулар бўйича тайёрланган саволларга жавоб берди.

Кўрик-танловнинг иккинчи куни «Тошкент денгизи» дам олиш масканида очиқ осмон остида ўтказилди. Ҳарбий оилалар дастлаб «Спорт – саломатлик гарови» шиори остидаги эстафетада ўзаро беллашди. Қисқа масофага югуриш, арғамчида сакраш ва тўпни саватга тушириш шартлари ниҳоятда қизгин кечиб, ҳар бир оила эпчил ва чаққонликларини намойиш этган ҳолда, шартни қисқа фурсатда тез ҳамда тўғри бажаришга ҳаракат қилди.

Спорт мусобақалари якунига етгач, танловнинг сўнгги «Ошга марҳамат» шартига старт берилди. Ушбу шартда оилаларнинг аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги, пазандалик ва саранжом-саришталиклари синовдан ўтказилди. Ҳар бир оилага ўзбек миллий таоми бўлмиш ошни тайёрлашлари учун зарур бўлган маҳсулот ва анжомлар тақдим этилди. Қисқа фурсатларда «Фарғонача», «Хоразмча парҳезли ош», «Сурхондарёча палов», «Чойхона палов» каби номлар билан аталадиган ошлар бирин-кетин тайёр бўлди ва ҳайъат аъзолари таомларнинг пиширилиш техникаси ҳамда таъмига баҳо берди.

Кўрик-танлов режасига кўра, иштирокчилар учун «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ҳамда «Шон-шараф» давлат музейига саёҳат ташкиллаштирилди. Бу каби маданий тадбирлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом оила муҳитини таъминлашда ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда

муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Кўрик-танловнинг тақдирлаш маросими ҳам тантанали тарзда ўтди. Унга кўра, фахрли 3-ўринни Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Эргашевлар ҳамда Жиззах вилоятидан ташриф буюрган Холиёровлар оилалари эгаллаган бўлса, 2-ўрин қашқадарёлик Маҳмудовлар оиласига насиб этди.

Кўрик-танловда 1-ўринга муносиб деб топилган Инакжановлар оиласи «Энг ибратли ҳарбий оила» дея эътироф этилди.

Тадбир давомида элимиз ардоғидаги санъаткорлар, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан намойиш этилган концерт дастури барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

**Майор
Фарида БОБОЖОНОВА**
ДХХ Чегара қўшинлари



Музей – храм прошлого, обогащающийся настоящим во имя будущего. В Узбекистане ведут свою деятельность десятки музеев по различным темам, которые посещают от мала до велика.

МУЗЕЙ

ПОД МИРНЫМ НЕБОМ УЗБЕКИСТАНА



И все же самый молодой из этого списка, на сегодня самый посещаемый в стране, находится в историческом Алмазарском районе Ташкента – это Мемориальный комплекс, который в народе нарекли «Музей вечной памяти под мирным небом Узбекистана».

Именно здесь с первой минуты окунаешься в память тех, кто покинул в далекие, грозные сороковые годы родные места, ушел и не вернулся, кто вернулся и прожил достойную жизнь, но и их уже нет рядом с нами, напоминая всем нам, кто родился после войны, нашим детям, внукам, правнукам, еще и еще раз, что нет ужаснее, чем война, уносящая миллионы жизней, оставляющая сиротами детей – продолжение человечества на планете Земля.

Мемориальный комплекс «Галаба боғи» при Министерстве обороны Республики Узбекистан и уникальный государственный музей «Шон-шараф», а также главный павильон парка с экспозицией, посвященной истории участия Узбекистана во Второй мировой войне открылся 9 мая 2020 года, став «практическим



воплощением высокой преданности Родине, нашего преклонения перед бессмертным подвигом и светлой памятью тех, кто отдал свои жизни за мир и свободу».

Здесь была проведена международная уникальная встреча тех, кто открывает все новые и новые страницы подвига нашего народа: «Несравненный подвиг многонационального народа Узбекистана на фронте и в тылу в годы Второй мировой войны: история, интерпретация, технология». Есть даты, память о которых вечна, есть люди, которые уходят в бессмертие.

На экранах музея постоянно демонстрируются киноленты производства Ташкентской киностудии 40-х годов, некоторые из которых вошли в список шедевров мирового киноискусства ЮНЕСКО. И все же среди всех работ особняком стоит

фильм «Два бойца» Ташкентской киностудии. Создатели этой ленты, как и других, снятых в Ташкенте в 40-е годы, смогли достоверно донести жизнь в блокадном Ленинграде, находясь в Ташкенте. Сколько потребовалось усилий, чтобы показать, что с народом узбекской земли можно снимать практически все. Это было доказано позже выдающимися деятелями отечественной и мировой кинематографии.

В музее можно ознакомиться с постоянно обновляющимися уникальными историческими данными. К примеру: в начале Второй мировой войны население Узбекистана составляло 6 768 100 человек. Из них более 1 950 700 человек участвовало в войне. На фронтах Второй мировой войны воевало 25 процент населения Узбекистана. Учитывая, что половину населения составляют женщины, старики и дети, более 40 процент трудоспособного населения воевало на фронте. Из районов,

превратившихся в очаги сражений, в Узбекистан было эвакуировано около 1,5 миллиона человек, в том числе 250 тысяч детей. В октябре 1941 года был создан центральный детский эвакуационный пункт, республиканский, областные, городские и районные комиссии для устройства эвакуированных детей, которых брали на воспитание трудовые коллективы и отдельные семьи, именно тогда развернулось движение за усыновление детей-сирот.

В Ташкенте было размещено и обеспечено работой около 240 тыс. человек. Наш народ делился с ними последним куском хлеба. В то тяжелое время особенно ярко проявились такие исторически присущие нашему народу достоинства, как гуманизм, милосердие и душевная щедрость. В те годы в Узбекистане действовал 41 вуз, в том числе 12



эвакуированных, 52 средних специализированных учебных заведения, которые выпустили за это время 10 тыс. специалистов высшей и около 4 тыс. средней квалификации. На специальных краткосрочных курсах подготовлено 16 тыс. учителей, была установлена непосредственная связь научно-исследовательских институтов и технических вузов с промышленными предприятиями. Деятельность эвакуированных в Узбекистан институтов Академии наук Востоковедения, Истории, Мировой литературы, Истории материальной культуры и других, имела большое значение для развития науки в Узбекистане. В 1943 году была создана Академия наук Узбекистана, функционировали 36 театров, в том числе 2 новых и 14 эвакуированных. Из Узбекистана на фронт выезжали свыше 30 творческих бригад, давших более 15 тыс. концертов.

Главная идея создания Мемориального комплекса «Галаба боғи» и государственного музея «Шон-шараф» нашла свое отражение в проникновенных словах главы нашего государства Шавката Мирзиёева: «Все мы, прежде всего наша подрастающая молодежь, никогда не должны забывать мужество и стойкость наших отважных предков, всего многонационального народа Узбекистана, доблестно сражавшихся с напастью фашизма. Сотни тысяч наших соотечественников пролили свою кровь, погибли на полях сражений. Не меньший героизм и самоотверженность в тылу показали женщины, старики и дети. Этот бессмертный подвиг является школой чести и славы, источником гордости нашего народа».

ФЛОРА ФАХРУТДИН



МАЪНАВИЙ ВА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ ҲАРБИЙЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Халқимиз жуда бой маънавий меросга эга. Унинг асосини гўзал ахлоқий фазилатлар ташкил этади. Мазкур мерос ёрдамида биз замонлар синовидан ўтган миллий қадриятларимизга таяниб, соғлом дунёқараш ва мустақкам иродага эга бўламиз ҳамда турли маънавий ва руҳий таҳдидларга, уларнинг ошқора ва пинҳона кўринишлари таъсирига бардош бера оламиз.

«Маънавият» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, «руҳ», «ахлоқий ҳолат», «ахлоқий-руҳий хусусиятлар» каби маъноларни англатади. Мазкур атама «маъно» деган сўз билан ўзакдош. Маънавият кенг қамровли тушунча сифатида маданиятнинг таркибий қисми саналади ва инсон ҳаётида муҳим ўрин тутаети.

«Маънавият» тушунчасига берилган таърифлар жуда кўп, масалан:

- маънавият – инсоннинг руҳий ва ақлий олами ифодаловчи тушунча;
- маънавият – инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний, ахлоқий ва шу каби тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

Инсон – онгли мавжудот. Инсон моддий нарсалардан жисмоний озук ва қувват олса, маънавият унга руҳий озук ва қудрат беради. Фақат моддий жиҳатдан озук олиш – онгсиз жонзоларга хос хусусият ҳисобланади.

«Инсон – барча мавжудотларнинг гултожиси», дея муқаддас китобларда таърифланишининг сабаби унда юксак маънавият эгаси бўла олиш имкониятининг борлигидир. Маънавиятда инсон ҳаётининг мазмуни акс этади. У инсон қалбида яшайди. Шу маънода маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур саналади. Маънавият инсоний фазилатлар билан бир қаторда қадриятларни ҳам қамраб олади. Инсон ўз маънавияти билан ҳайвондан, жамият эса табиатдан фарқланиб туради. Маънавият шундай сеҳрли тилсимки, инсон томонидан қанчалик чуқур англаниши сари у янада кенгайиб ва бойиб бораверади. Маънавиятнинг ўзаги ахлоқдир.

Ахлоқ – инсонларнинг бир-бирларига, оиласига, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари мажмуи. Ҳар бир инсон муайян жамиятнинг аъзосидир. Унинг хатти-ҳаракатлари ва ахлоқий муносабатлари жамиятнинг маънавий-ахлоқий даражасига ўз таъсирини кўрсатади. Ахлоқий қарашлар жуда қадимий тарихга эга. Тахминан уч минг йил муқаддас юртимиз заминидан яратилган «Авесто» китоби ҳам асосан ахлоқ масаласига бағишланган. Эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги кураш – «Авесто» китобида баён этилган зардуштийлик таълимотининг бош ғояси саналади.

Ахлоқ мутлақ ва абадий бўлмайди. У тарихан ўзгарувчан ва нисбатан мустақилликка эга бўлган ижтимоий ҳодисадир. Унинг бу хусусиятлари касб ахлоқида намоён бўлади. Ахлоқ инсоннинг оиласига, Ватанига, атрофидаги кишиларга, жамият ва табиатга муносабатида, хатти-ҳаракатларида, шунингдек, хулқини белгилловчи меъёр ва қоидаларда ўз ифодасини топади. Ахлоқ адолат тамойили сифатида жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий воқеликлари инсон турмуш тарзига, мавжуд миллий анъаналарга мос келишини таъминловчи ҳамда белгилловчи маънавий мезондир. У инсоннинг хулқ-атвори ва истак-майллари тартибга солувчи қоидаларда умумлашади ҳамда фуқаро ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Ахлоқий талаблар жамоатчилик фикри таъсирида бажарилади. «Худди шундай қилиш маъқул ва тўғри», деб тушунган ҳолда инсонлар ахлоқ талабларига онгли равишда риоя қиладилар.

Инсоннинг ахлоқий фазилатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётга фаол таъсир кўрсатиб, жамиятнинг тараққиётига хизмат қилиши, ахлоқсизлиги эса мамлакатнинг инқирозга юз тутишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ахлоқий тарбия – жамият учун доимо долзарб масала бўлиб келган.

Ахлоқ тизимида тушунчалар, меъёрлар ва тамойиллар бор. Ахлоқий тушунчалар – жамият ҳаётидаги асосий ахлоқий муносабатларнинг ифодаси. Ахлоқий тушунчалар бир-бирига зид жуфтликдан иборат. Уларнинг замирида «эзгулик – яхшилик» ва «ёвузлик – ёмонлик» тушунчалари ётади. Ахлоқий меъёрлар – нарса ва ҳодисаларнинг таҳлили сифатида инсонга «нима қилиш мумкин, нима мумкин эмасли» гини белгилаб беради ҳамда инсон хулқ-атворини тартибга солади. Ахлоқий тамойиллар – инсонларнинг жамиятдаги ижобий муносабатларини ифодаловчи умумий қонун-қоидалар ҳисобланади.

Ҳарбий соҳада қабул қиладиган ҳар бир қарор муайян жараёнларга руҳсат бериш ёки уларнинг ҳаракатини тўхтатиш билан бевоқифа боғлиқ бўлгани сабабли у маълум маънодаги хавф-хатарларни келтириб чиқаради. Бу ҳолат эса ҳарбий хизматчиларнинг руҳиятига ўз таъсирини кўрсатади. Демак, инсон руҳияти қанчалик пок, виждони уйғоқ, ақли етук ва тани соғ бўлса, албатта, хизмат жараёнидаги турли хавф-хатарларни, шунингдек, нафс ва бойлик орттириш хирсини енгиш ҳарбий хизматчи учун осон кечади.

Қарор қабул қилишга шайланган ҳарбий хизматчи:

- ўз имкониятларига ишониши;
- тезкорлик билан вазиятни тўғри англаши;
- фавқулодда ҳолатларда ўзини йўқотиб қўймаслиги;
- мақсадни аниқлаб олиши;
- меъёрий ҳужжатларни инкор этмаслиги;
- фуқароларнинг қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини поймол қилмаслиги;
- оқилона усулни танлаши зарур.

Шундагина у ҳеч қачон янглишмайди ва хато қилмайди. Бу жараёнда унга психологик билим, кўникма ва малакалар ёрдам беради.

Руҳият – руҳий кечинмалар мажмуи, руҳий ҳолат, психика. У шахснинг билиш жараёнлари, индивидуал хусусиятлари ва психологик ҳолатини ифодаловчи атамадир.

Инсоннинг руҳий покланиши, иродасининг бақувват, иймон-этиқодининг бут бўлиши, виждонининг уйғониши – маънавиятга боғлиқ. Инсоннинг маънавий етуқлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг аввало, ўз шахсияти ва бошқа инсонлар, шунингдек, табиат билан уйғунликда яшашини тушунамиз. Инсон руҳиятига хос ақлий идрок, мантикий тафаккур, метин ирода, қатъиятлик ва мустақкам хотира ҳарбий хизматчиларнинг асосий касбий сифатларидир. Бу сифатлар йиллар давомида шаклланиб боради. Уларни ёш ҳарбий хизматчиларда қарор топтиришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган устоз-мураббий ва фахрийларнинг хизмати бекиёс.

Мураббийлик соатлари, маънавият ва маърифат дарслари айнан касбий маданиятни, зарур маънавият ва руҳиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш мақсадида ташкил этилади. Сўнги вақтларда ақлий тарбия таркибида бўлган руҳий тарбияга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Руҳий тарбияни ривожлантириш ва шу асосда комил инсон ғоясини амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Алломалар айтадилар: «Вужуд руҳият билан тирик. Руҳият вужуд устидан эғалик қилмаса, унга қул, унга тобе бўлади ва вужудга нафс эғалик қи-

лади. Вужуд фано истагида, руҳият бақо илинжидадир. Руҳиятни камол топтирмақ саодат қалитидир». Демак, ҳарбий хизматчиларнинг руҳий камолоти уларнинг хизматдаги муваффақияти ва ютуқлари гаровидир.

Ҳарбий хизматчиларнинг фаолияти учун зарур бўлган маънавий ва руҳий фазилатлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- инсонпарварлик – одамларга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш, ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун шарт-шароит яратиб беришни ифода этувчи олижаноб қарашларда акс этади. Инсонпарварлик – ўзбек халқи руҳиятининг ажралмас фазилати бўлиб, шавқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига зиддир;

- ватанпарварлик – Ватанга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш, уни душманлардан асраш, керак бўлса унинг озодлиги, мустақиллиги, тинчлиги ва ободлиги йўлида жонни фидо қилишга тайёр турмоқликни ифодалади;

- фидойилик – инсоннинг ўз оиласи, халқи ва Ватани манфаатлари йўлида барча имкониятларини ишга солиши. Айнан фидойилик жамият тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаети;

- адолатлик – жамият томонидан белгиланган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни ҳаққоний ва қонуний тарзда ҳаётга татбиқ этишга қаратилган фаолиятда намоён бўлади;

- ҳушмуомалалик – инсонлар билан ўзаро чиройли муносабатда бўлиш, сўзлашиш. Ҳушмуомалалик – инсоннинг бошқа инсонларга бўлган ички ҳурматининг ташқи кўриниши сифатида намоён бўлади;

- ростгўйлик – доимо ҳақиқатни гапириш ва маъқуллаш. Ростгўй инсон ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам кадр-қимматини тўғри баҳолайди;

- шижоат – ботирлик, жасорат, дов-юраклик ва мардлик;

- одоблик – яхши тарбия олганлик белгиси. Инсон одоби – унинг сўзи ва хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Гўзал ахлоқий талабларга қатъий риоя этиш одобликдир;


- ҳалоллик – инсоннинг виждон билан инсоф юзасидан иш тутиши, тўғрилиқ ва софдиллик, ўз меҳнати билан ҳаёт кечириши, хулқининг намунали экани, сўзида қатъийлиги ва садоқати;
- ҳушёрлик – огоҳлик ва зийраклик. Ҳушёрлик – инсон онги ва қалбининг доимо уйғоқ бўлиши ҳисобланади.

Поклик, очик кўнгиллик, ваъдага вафо, садоқат, камтарлик, саҳийлик, мурувват, самимийлик, ҳурмат, дўстона муносабат кабилар ҳам маънавий-ахлоқий фазилатлар жумласига киради.

Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий ва руҳий салоҳиятини таъминлаш учун:

1. Буюк аждодларимизнинг маънавий меросидан самарали фойдаланиш.
 2. Мард ва фидойи бобоқалонларимиз жасоратидан руҳланиш.
 3. Ватанимиз Ўзбекистоннинг биз учун қанчалар муқаддас ва қадрли эканини қалбдан ҳис этишимиз зарур.
- Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асрашни ва халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишни ҳаётининг мазмуни этиб қабул қилган, куну тун ўз хизмат вазибаларини сидқидилдан бажаришга шай турган офицер ва сержантлар, аскар ва хизматчилар бор экан, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишига шубҳа йўқ.

Подполковник К. НОСИРОВ,
Қуролли Кучлар академияси
цикли бошлиғи,
педагогика фанлари
номзоди, доцент,
Н. МИРАШИРОВА,
доцент



Юксак илмий салоҳият натижасида яратилган ақл бовар қилмас кашфиёт ва технологияларга эришган инсоният хануз кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал эта олмапти. Бунинг асосий сабаби айрим одамларнинг онгида маънавият ва руҳиятга салбий таъсир этувчи иллатларнинг мавжудлигидир.

«Оммавий маданият» ҳаётимизга тобора тез кириб келаётгани ҳаммамизга маълум. Бу жараёнда нафақат эзгулик, балки ёвузлик ҳам ўзини яққол намоён қилмоқда. Агар биз юксак маънавият ва мустақкам руҳиятга таянмасак, ҳеч қачон ёвузликка қарши тура олмаимиз.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасида таъкидланганидек, Қуролли Кучлар давлат ҳарбий ташкилотининг ва мамлакат мудофаа тизимининг негизи бўлиб, ҳарбий можароларни жоловлаш, уларнинг олдини олиш, шунингдек, давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган. Шу боис ҳарбий хизмат инсондан ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни, мардлик, матонат ҳамда фидойиликни талаб этади.

Ҳарбий хизматчиларнинг асосий вазибаларига умумий тарзда ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланишини доимий равишда тизимли таҳлил ва прогноз қилиш, давлатимиз чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бузғунчи кучларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви асосларига, ижтимоий-сиёсий барқарорликка қарши йўналтирилган ҳамда ҳарбий хавфсизликка зарар етказишга қаратилган кўпорувчилик фаолиятига қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш кабилар киради.

Мазкур вазибаларни муваффақиятли бажариш учун ҳарбий хизматчилар юксак маънавий фазилатлар кучли ирода, қатъият, масъулият фидойиликка эга бўлишлари лозим.



«АВЕСТО» ДАН «БОБУРНОМА» ГАЧА

АЖДОДАРИМИЗ ФЕЙК МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШГАН?

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Бугунги кунда неологизм сифатида қаралаётган ахборий саводхонлик, медиасаводхонлик, фактчекинг каби тушунчаларнинг аслида миллий тарихий кўринишлари мавжуд. Oyina.uz колумнисти мазкур мақолада қадимий манбалар, асарларни медиатаълим контекстида таҳлил этди.

Абу Али ибн Сино (980–1037) «Ҳакимнинг уч қуроли бор: сўз, гиёҳ, тиф», деганида сўзнинг, ахборотнинг қудратини юксак баҳолайди. Шунингдек, «Саломон ва Ибсол» асарида ёлғон ростга қориштирилиши, сенга маълум бўлмаган ва узок бўлган нарсаларнинг хабари шу йўл билан келтирилиши, инсон ростни ёлғондан ажратиш билан, сохтадан чинни фарқ қилиш билан синалишини айтади. Ҳатто ростнинг даражаларини келтиради. Келтирилишича, «Мажхул сидқ – номаълум рост эса унчалик диққатни ўзига тортадиган ҳодиса ҳам эмас. Мабодо тўғри сўз сал ўзгартрилса-ю, одатдагидай айтилмайдиган бўлса ва бунинг устига унга унча-мунча нарсалар кўшилган бўлса, у ҳолда бу нарса инсон руҳига хуш келади».

Ибн Сино, шунингдек, ёлғончилик бошқа салбий иллатлар қатори кассаллик келтирилишини айтади:

*Хасислигу ҳасад ҳам ёлғончилик,
 Заифлик дарду йўқликка бўлиш ром.*

Юсуф Хос Ҳожиб (1020 (21)–?)нинг милодий 1069 йилда – бундан қарийб минг йил олдин ёзилган «Қутадғу билиг» асарида келтирилишича, «Сўз туя бурнига ўхшаш – унга жилов солса бўлади. Ёхуд у туянинг бўйни кабидир – етовга юраверади». Бу сўз (ахборот)ни турли мазмунда ифодалаш мумкинлигини кўрсатади. Ёки:

*Биров чақар бўлса, эшитгин сўзин,
 Чину ёлғонини суриштир ўзинг.
 Жуда яхши деган киши сараси:
 «Эшитгини, англа, не сўз сираси».
 Яна яхши келган мана ушбу сўз,
 Бу ишга тутингин, аё етук кўз:
 «Бор сўзни тинглагин, керагини ол,
 Нокерак сўзларни чегиргин дарҳол.
 Сўзин эшит, сўра ёлғон-чинини,
 Чинин ол, йўқотгин бор ёлғонини.
 Ёлғончи кишидан бузилар жаҳон,
 Чин айтар кишини яқин тут ҳар он».*

Туркий халқлар маданиятининг ноёб дурдонасида барча айтилган сўзларга ишонмаслик, қақимчилик, ёлғон, алдов, ҳийла, фитна, ушоқ (майда сўз, тухмат, бўхтон, чақув)га учмаслик; кўни (тўғри, тик, адл, ҳаққоний), ҳақиқат, чинлик, ростликка интилишга қақирилади. «Сўз – ўйинчоқмас», «Барча сўзни эшит, аммо ишона қолмагин», «Ёлғончи кишида бўлмагай вафо» каби сатрларда ростлик хислат сифатида улуғланади. Масалан, «Эл орасида доим обрўни сақлаш учун тўрт нарса керак: бири тили тўғри, сўзи чин, бутун бўлсин...» Ёлғончилик қораланади: «Кишига энг ёвуз бу – ёлғон бўлар, Ёвуздан ёвузи – сўз қийган бўлар».

Юсуф Хос Ҳожиб «Рост сўз дағал бўлади, у кўнгилга оғир ботади. Аммо бундай ҳақиқат кўнгилга жойланса, кишига наф беради. Сен дағал сўзга, яъни тўғри фикрга асло ғазаб қилма», – дейди. Шунингдек, «Қутадғу билиг»да Ойтўлдиннинг ростлик, тўғрилик қандай бўлади, деган саволига Кунтуғди берган жавоб ҳам аҳамиятли:

*Ташидек ичи-ю, ичидек таши,
 Бу янглиғ бўлади чин, ростгўй киши.*

Унсурул Маолий Кайковуснинг «Қобуснома» (1082–1083) асари ҳаргиз ёлғон сўз демаслик, хатда уйдирма қилмаслик, суҳангўй бўлиш, лекин дуруғўй (ёлғончи) бўлмаслик, ёлғонга ўхшаш ростни айтмаслик, беҳуда сўзламаслик, сўзни уни хушлаганга сўзлаш, ноўрин сўзлашдан парҳез қилиш, манфаатли сўзни эшитиш, гумон айтмасликка қақирини билан аҳамиятли. «...Тилингни яхши ҳунар била ўргатғил ва мулоийм сўздин бошқа нарсани одат қилмағил... Ҳакимлар дебдурлар: «Сўз бир насадур, ундан хумор пайдо бўлур», жумласида бугунги кунда долзарблашиб бораётган адоват тилидан сақланиш, мулоқот, ахборотга қарамлик каби масалалар акс эттирилган. Асарда «тахқиқ» атамаси келадики, бу бирор нарсанинг ҳақиқатини излашни билдиради. Бу фактчекинг, асл манбани топшиш каби кўникмаларнинг тарихий кўриниши бўла олади.

Носириддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» (1309–1310) асарида келган ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, авлиё ва анбиёлар тўғрисидаги қиссаларда тўғри сўзнинг аҳамияти хусусидаги дидактик материаллар мавжуд.

Жалолиддин Румийнинг (1207–1273) «Ичиндаги ичиндадир» асарида келтирилишича, «Сўз ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир». Яъни ўзи эмас. Бу ахборот воқеликни тўлиқ эмас, қисман етказиш ёки талқин ўзгаришини англатади. Бу ўз навбатида, ахборотни қабул қилувчидан эҳтиёткорлик, огоҳлик талаб этади. «Бир ҳақиқат юз дона шубҳадан аълодир», дейилганда эса ҳақиқатнинг баҳоси, қиймати келтирилади. Ахборотнинг чексизлиги ҳам ўз ифодасини топган: «...сўзнинг ниҳояси йўқ... Ниҳоясизлик, сўнгсизлик қоғозга қандай сиғади?» Буни қоғозда ахборот улашишга қаратилган И. Гуттенберг даври тугаб, рақамли олам бошланишига ишора сифатида ҳам талқин қилиш мумкин. Бу фалсафий қарашнинг илмийлиги, ахборотнинг чексизлигини тафаккурга сиғдира олишдадир.

АМИР ТЕМУРНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИ

Араб тарихчиси Шихобуддин ибн Арабшоҳ (1388–1450)нинг ёзишича, Амир Темур (1336–1405) пири Абу Бакр Тойибодийнинг «расти-русти», яъни «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан» ҳикматини тамғасига муҳр сифатида ўрнаштирган эди. Ибн Арабшоҳ Амир Темур шахсига баҳо берар экан, истеҳзо ва сохталикни ёқтирмаслиги, масаланинг моҳиятини дарҳол пайқаш, фаросати билан ҳақгўй – ёлғончини дарров фарқлаб олишини таъкидлайди. Бу унинг давлатда ахборот сиёсатини юритишида ҳам акс этар эди.

Ижтимоий адолат ва ҳақиқат қадрияти Амир Темурнинг давлат бошқарувида муҳим ўрин тутди. Тўғри сўз, ҳаққоний хабарнинг фойдаси кўплиги, ёлғон давлатни емиришини инobatга олган Амир Темур ўз тузуқларида хабар берувчилар кимлиги, давлоларининг рост-ёлғонлигини маҳактошига уриб текширишни буюради. Маҳактош олтинга суртиб асл ёки сохталигини аниқлаб берадиган қора тусли тош бўлиб, бу ўринда кўчма маънода ишлатилган. Бу фактчекингнинг қадимий кўриниши. «Чунки кўп ҳолларда ҳасадчилар ва ғийбатчилар ё кўролмаёй ёки тамағирлик билан ёлғон тўқиб, чиндай қилиб ясаб чиқарадилар ва палид мақсадларига етишадилар. Давлат ичиде талай олчок, ёмон одамлар бордурки, давлат душманларини яхшилаб, унинг жонфидоларини турли макр-ҳийлалар билан хароб қиладилар».

Амир Ҳусайн Амир Темурнинг вазирларидан бирини алдаб, давлатнинг таянчи, икки қўли бўлган амир Ики Темур ва амир Жоқуни унга қарши қўймоқчи бўлиб, гап чиқарганида ҳам Амир Темур ахборий хуруж ва дезинформацияни яхши англаган. «Мен унинг хиёнатини фаросатим-ла сезиб қолдим, шунинг учун улар хусусида айтилган ҳамма гапларни эшитмаганга олдим».

Амир Темур одамлар олдида улуг ва эътиборли амирлардан бўлган амир Аббосга ҳасад ва душманлик қилиб, у ҳақда бўлмағур гаплар етказганида, ёлғон сўзларга ишониб, ғазаб устида гапларини текшириб кўрмасдан амир Аббосни ўлимга бюрганидан қаттиқ пушаймон бўлади.

Амир Темур ўз мамлакатда ахборий тизим яратади. Фақат бу шакл оммавий ахборот алмашинуви эмас, Амир Темурнинг ўзига ахборот етказиб беришга қаратилган эди. Шундай бўлса-да, ростлик-тўғрилик, ёлғонга нисбатан мурасасизлик принципига кўра аҳамиятлидир. Амир Темур ҳар бир сарҳад, вилоят, шаҳар ва лашкарда хабар ёзувчи (хабарнавис)лар тайин қилади, улар ҳокимлар, раият, сипоҳ ўзининг ва ёт-беғона лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида Амир Темурни хабардор қилиши зарур бўлган. «Темур тузуқлари»да шундай дейилади: «Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшоҳлар, уларнинг гаплари, ишлари ва узок ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни ростлик-тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар. Агар бунга хилоф иш тутгудай бўлсалар, бўлиб ўтган воқеаларни ёзмасалар, ёзувчининг хабар ёзган бармоқлари кесилсин. Агар хабар ёзувчи сипоҳ ишларини яшириб, хабарига бошқа либос кийгизиб (яъни ёлғонни) ёзган бўлса, унда ҳам қўлини кессинлар. Агар ёлғон хабарни тухмат ёки бирон ғараз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар. Ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафта-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар».

Бу мамлакат ичидеги ахборот сиёсати, халқаро миқёсда ахборот олишга қаратилган ҳаракатлар қамрови анча кенг бўлганидан далолат беради. «Амр қилдимки, мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-юғурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезюрар пиёдани (чопар) етиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, хузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол эл бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик». Бу қамров ва йўналишига кўра, бугунги кундаги ахборот агентликларининг фаолиятига ўхшайди, фарқи омма учун эмас, давлат ва ҳукмдор учун ишлайди, ахборотни асосан оғзаки шаклда ифодалайди. XIV асрда ахборот алмашиш асосан чопарлар орқали амалга оширилган.

Амир Темур халқ ҳолидан хабардорликка, бошқа мамлакатлардаги воқеликлардан бохабарликка катта эътибор беради. Бу бугунги замонда ҳам долзарб аҳамиятга эга. Немис олимлари ушбу қонуниятга таяниб муҳим кашфиёт яратишди. «Муҳим маълумотга эга бўлиш – ҳокимиятга эга бўлиш; кераклисини кераксизидан ажратиш – янада кўпроқ ҳокимиятга эга бўлиш; керакли маълумотни ўз режиссурасига асосланиб тарқатиш ёки ушлаб туриш – икки қарра ҳокимиятга эга бўлиш демак. Одамларга ахборот орқали психологик таъсир кўрсатишнинг имкониятлари ана шундай», дейилади Германиянинг асосий политология дарсликларидан бирида.

Урушлар ахборот-психологик курашлар билан бирга кечади. Амир Темурнинг Туркия султони Бозид Йилдирим (1389–1402) билан кечган жангининг келиб чиқишида ахборий кураш турли ёзишмалар тарзида намоён бўлади. Аввалбошиданок бу етти йиллик юришининг (1389–1402) сабаби ҳам фитна, ивғо бўлган.

Сўз кучини англаган, барча воқеликдан воқиф ва огоҳ бўлишга эътибор қаратган, ҳар масалада кўпдан кенгаш сўраган, яхши ё ёмон сўзни эшитганда ҳақиқат аён бўлмагунча шошмасдан мулоҳаза билан иш тутган Амир Темур тўғрисида кишиларни кадрлайди, тўғри

MA'RIFAT

қаламли кишилардан ахборнавислар, воқеанавислар белгилайди, хабарчиларга ҳам ўз ҳолига қараб суюрғол, вазифа ва маош белгилаган.

Мирзо Улуғбек (1394–1449)нинг «Тўрт улус тарихи» асари ҳам ҳақиқатни манбаларни бир-бирига муқояса қилиб синчиклаб ўрганиш ва улар келтирган маълумотларни диққат билан текшириш, ёлғонни далил орқали аниқлаш, суриштирув, кузатув орқали аниқлаш, шубҳа, иккиланишдан воз кечиш каби масалалар акс этгани нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

Алишер Навоий (1441–1501)нинг шоҳ асари «Ҳамса»нинг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр»нинг ўнинчи мақолат ростлик таърифида келади. Тўғрилиқ ҳақиқатдан ва эгрилик ёлғондан иборатлиги, кимнинг қараши тўғри бўлса, у ҳақлиги, Сулаймоннинг узугида «Рости-русти» ёзуви бўлгани, тўғрилиқни касб қилиш зарурлиги кабилар акс этган. Масалан:

Боштин-аёқ кимсаки, туздур сўзи,

Ёки бўёлғону ёвуздур сўзи,

яъни бир кишининг сўзлари бошидан охиригача тўғри бўлиши мумкин. Аксинча, бўялган, ёвуз бўлиши ҳам:

Улки шиор айлади ёлғон демак,

Бўлмас ани эру мусулмон демак.

Кимки ёлғон гапиришни одат қилган бўлса, уни эру мусулмон деб бўлмайди. Ёлғончилар умматим дейилмаслиги каби таъсирчан мисоллардан фойдаланилади.

Ёлғончи ўз гапини ўтказиш учун қанча уринмасин, гапини бир-икки марта ўтказса олиши, бу хусусият элга қанча махфий бўлмасин, ёлғон барибир ўзини охирида маълум қилиши, кимки ўзини ёлғончи сифатида танитган бўлса, рост гапирса ҳам, халқ унинг ҳамма гапини ёлғон ҳисоблаши, кимки ёлғончи деб ном чиқарган бўлса, ўзиникилар ҳам, бегоналар ҳам уни шу от билан чақирар экан, тўғрилиқ номи унга ҳеч қайтиб келмаслиги каби мавзулар тилга олинади. Хулоса берилади:

Неча зарурат аро қолғон чоғи,

Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи.

«Шер ва дурроғ» ҳикояси қирғовулнинг чин гапириш ўрнига ёлғон гапириб, бир фалокат тузоғига илингани, чин сўзни шер ёлғон деб ўйлаб, овозини эшитиб, етиб келмагани ва уни бало тузоғидан халос этмагани хусусида:

Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,

Рост наво, нағмаға таҳсин дегил.

Бу каби мисоллар ўзбек аудиториясидаги таҳсил олувчиларга ростлик, ҳақиқатни қадрият сифатида сингдиришда ёрдам беради, миллий менталитетимизга кўра, панд-насиҳат ўз самарасини беради.

«БОБУРНОМА»ДА ФАКТЧЕКИНГА ОИД МИСОЛЛАР

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шоҳ, шоир, фақиҳ, этнограф, ҳайвонот ва наботот олами билимдони каби кўп қиррали фаолият ҳамда ижод соҳиби бўлган. Шу билан бир қаторда унинг рост тили, тўғри сўзи, фикрини аниқ, равон, жумлаларнинг қисқа ва тугал ифодалаши, мазмуннинг зич ҳолда бериши, ўзига замонадош ижодкорлардан фарқли равишда бўёқдорлик, жимжимадорликдан қочиб журналистика фанида ҳаққонийлик принципига кўра, тадқиқ этилиши лозим бўлган алоҳида жиҳатдир. «Бобурнома»да шундай ёзади: «Бу битилганлардан мақсад шикоят эмас, рост воқеаларни ёзаётирман. Бу ёзилганлардан мақсад ўзимнинг таърифим эмас, ҳақиқий воқеа баённи таҳрир этганман. Чунки бу пайтларда шунга қарор қилинганки, ҳар сўзнинг рости битилгай ва ҳар ишнинг ҳақиқий воқеа баёни таҳрир этилгай. Зотан, ота-огадан ҳар қандай яхшилик ва ёмонлик кўрган бўлсам ёздим. Қариндош ва бегонада ҳар қандай айб ва фазилатлар содир бўлган бўлса, таҳрир айладим. Ўқувчи маъзур тутсин ва эшитувчи эътироз қилмасин».

Ёлғон, фитначилик, оғмачиликка нисбатан мурасасиз қарашларини баён этган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ахборотларни текширишга ҳам алоҳида эътибор қаратган. У қўллаган усуллар мазмунан бугунги фактчекинга жуда ўхшаш. «Дедиларким, Ҳазининг кентларида бир мазор бордурким, салавот айтғоч, қабр мутаҳаррик бўлур. Бориб мулоҳаза қилилди, қабрнинг тебрангани махсус бўлди. Сўнгра маълум бўлдики, мужавирларнинг тазвири экандур. Қабрнинг устига бир жулья ясабтурлар, ҳар замон жульяға тегадурлар, жулья тебрангач, қабр тебрангандек махсус бўладур. Нечукким, кемага кирмаган эл кемага киргач соҳил мутаҳаррик махсус бўлур. Буюрдумким, мужавирлар жульядин йироқ турдилар, бир неча салавот айтдилар, қабрда ҳаракати махсус бўлмади. Буюрдумким, жульяни бузуб, қабрнинг устида гунбаз қилдилар. Мужавирларни бу ҳаракаттин таҳдид била манъ қилилди». Мазмуни шуки, Бобур ҳаракатга келадиган қабр борлиги ҳақида эшитганида уни ўзи бориб текширади. Қабрнинг тебрангани сезилади. Маълум бўлишича, хизматчилар қабрнинг устига арқон тортиб, устига деворсимон қилиб мато ташлаб қўйган, ҳар замон арқон қимирлатилса, мато тебрангани учун остидаги қабр қимирлагандек туйилган. Шундай қилиб оддий одамларни ҳийлалари билан алдаётган хизматчиларнинг ёлғонига чек қўйилади.

Яна бир мисол. «Китобларда битибтурларким, Ҳазинда бир чашма бордурким, агар нажосат ва қозуротларни бу чашмаға солсалар, ўшул замон тўлғоқ ва тўфон, ёғин ва чопқин бўлармиш. Яна бир тарихда кўрулубтурким, ройи ҳинд Сабуктигинни Ҳазинда муҳораса қилғонда, Сабуктигин буюрурким, бу чашмаға нажосат била қозурот солурлар. Тўлғоқ ва тўфон, ёғин ва чопқун бўлур. Бу ҳийла била ғанимни дафъ қилур. Мен Ҳазинда ҳар неча тажассус қилдим, бу чашмадин ҳеч ким нишон бермади». Бу мисолда ҳам шубҳали бўлган ахборотнинг рост ёки ёлғонлигини тасдиқлашга уриналади. Ва турли ифлосликлар солинса, тўполон ва тўфон, ёғин ҳамда жала ҳосил қиладиган чашма мавжудлиги ҳаётда ўз тасдиғини топмайди.

Санобар ЖУМАНОВА
Oyina.uz

МОВАРОУННАХРДА

ЕТИШИБ ЧИҚҚАН ТАФСИР УЛАМОЛАРИ

Қадимги ислом манбаларида ҳозирги Ўрта Осиё Мовароуннаҳр ва Хуросон номлари ила зикр қилинган. Тарихий ислом китобларида Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Косон, Шош, Фарғона, Марв, Гургенч, Ўзган ва бошқа шаҳарларнинг номлари ҳам келтирилган. Мазкур шаҳарларнинг барчаси диёримиздадур, улардан кўплари ҳозирги вақтгача ўз қадимий номлари билан аталади.

Ислом илмлари ичида тафсир илми ҳам бор. Маълумки, диёрларнинг кўп аҳолиси исломдан аввал ҳам, баъзи бир илм ва маданият турларидан хабардор эдилар. Ушбу сабабга кўра, аллома Ибн Ҳалдун таъкидлаганидек: «Уларда ислом илмлари қабул қилиш ва ривожлантиришга лойиқ малака бор эди». Бироз вақт ўтиши билан муҳаддислар мадрасаси пайдо бўлди ва улар Қуръон тафсири тўғрисидаги асарларни жамлаган биринчи кишилар деб эътироф қилинди. Уларнинг сардори Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий эди. «Кашфу зунун» номли китобда зикр қилинишига кўра, у зот «Тафсири кабир» номли алоҳида бир тафсир китоби таълиф қилган эканлар, лекин мазкур китоблар бизгача етиб келмаган.

Шунга қарамасдан, Имом Бухорий тафсир илмида улкан асар қолдириб кетганлар, у зотнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларида Қуръони карим тафсирига оид мингдан ортиқ ҳадис шариф ривоят қилинган. Иккинчи хижрий тафсир илми ҳадисдан ажраб алоҳида илм бўлгандан сўнг Мовароуннаҳрда улкан муфассирлар етишиб чиқа бошлади.

ИМОМ АЗ-ЗАМАХШАРИЙ

Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий хижрий 467 йил 27 ражаб чоршанба кунин, милодий 1075 йил 19 мартда Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган.

Муҳаммад аз-Замахшарий Макка амири Ибн Ваққоснинг самийи ёрдамидан илҳомланиб, Қуръони карим тафсирига бағишланган ўзининг машҳур «Ал-Кашшоф» асарини ёзиб тугатади.

«Ал-Кашшоф» тафсирининг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида бир неча қўлёзмалари сақланади.

Кашшофдаги наҳв, сарф, юбалоғат илмларига доир форсча 280 варақли яна бир қўлёзма бор. Қўлёзманинг кўчирувчиси ҳақида маълумот йўқ. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида «Ал-Кашшоф» тафсирини тўлиқ қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Қўлёзма хижрий 694 йили (милодий 1274 йил) насхда кўчирилган. Хаттот ҳақида маълумот берилмаган. Муқоваси қаттиқ қоғозга нақш бериб ишланган. Маҳмуд аз-Замахшарий 583–1144 йилда Журжон (ҳозирги Кўҳнада вафот этган).

АБУЛ ЛАЙС АС-САМАРҚАНДИЙ

Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Абул Лайс ас-Самарқандий ал-Ҳанафий тафсир, фикҳ, усул (дин асослари), ақида, зуҳд бўйича кўплаб асарлар яратган буюк алломасидир.

Алломанинг туғилган йили ҳақида муаррихлар хижрий 301–310 йилларни кўрсатади. Туғилган жойи Ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқанда бўлиб, «Баҳрул улум» тафсирининг кириш қисмида бу шаҳар ҳақида шундай дейилади: «Араблар уни сирон ҳам дейдилар, Сафд водийсининг жанубида жойлашган бу жой иқлими яхши ва катта шаҳардир».

Абул Лайс ас-Самарқандий кўплаб нодир асарлар яратган. Улардан «Баҳрул улум» («Илмлар денгизи») номли тафсири муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда бу тафсирининг 4 та нусхаси сақланган. Икки нусхаси Миср Араб Республикасида, бир нусхаси Эдинбург кутубхонасида ва бир нусхаси Тошкентда сақланмоқда.

Абу Лайснинг вафоти ҳақида ҳам муаррихлар турли саналарни кўрсатади. Довудий ўзининг «Табақотул муфассирийн» китобида олимнинг хижрий 93 йил жумадул охир ойининг сешанба

кечасида вафот этган деганлар. «Жавоҳир ал-музиъа», «Кашфу зунун», «Араб мероси тарихи» каби асарларда ундан фарқли саналар келтирилади. Шулардан келиб чиқиб алломанинг вафоти 985–1003 милодий йиллар орасида содир бўлган дейиш мумкин. Манбаларда унинг оиласи ҳақида ҳеч нарса ёзиб қолдирилмаган.

ФАХРИДДИН АР-РОЗИЙ

Бу улуг муфассирнинг тўлиқ исмлари Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ибн Али ат-Тамимий ал-Бақрий ат-Табаристоний ар-Розий бўлиб, лақаби Фаҳриддин, ибн ал-Ҳатиб аш-Шофезий номи билан машҳур бўлган. Бу зот хижрий сананинг 544 йилида таваллуд топган.

Фаҳриддин ар-Розийнинг «Мафотиҳул-ғойб» номли тафсири саккиз жилддан иборат, уламо-лар орасида қўлма-қўл бўлган мўътабар асардир.

Аммо Ибн Қозий Шаҳбанинг айтишича, Фаҳриддин ар-Розий мазкур асарни тугата олмаган. Худди шундай маълумоти Ибн Халликон «Вафоётул аъён» китобида ҳам ёзган. У ҳолда Фаҳриддин ар-Розий тафсири қайси жойида тўхтаган? Унинг тафсири ким ниҳоясига етказган, деган савол туғилади. Ибн ал-Хажар ал-Асколоний «Ад-Дуран ал-Комина фий аъён ал-миъатис сомина» китобида шундай ёзади. «Фаҳриддин ар-Розийнинг тафсири ниҳоясига етказган одам Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абул Ҳазм Нажмиддин ал-Маҳзумий ал-Қумулий ал-Мисрийдир». «Кашфу зунун» китобининг соҳибини ёзишича, Фаҳриддин ар-Розийнинг тугалланмаган тафсири Нажмиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қумулий ниҳоясига етказган ва 727 хижрийда вафот этганлар. Қози ал-куззот Шаҳобиддин ибн Халил ал-Ҳивақий ад-Димашқий ҳам Фаҳриддин ар-Розий тафсирининг қолган қисмини охирига етказган. Унинг вафоти 639 хижрийдадир.

Фаҳриддин ар-Розий хижрий сананинг 606 йилида Раъй шаҳрида вафот этди. У зотнинг вафоти ҳақида шундай ривоят мавжуд. Яъни Фаҳриддин ар-Розий билан Рофизийларнинг ал-Карромия фирқаси ўртасида қаттиқ ихтилоф бор эди. Бу ихтилоф адоватга айланди ва улар Фаҳриддин ар-Розийни заҳарлаб ўлдирди.

АБУЛ БАРОКАТ АН-НАСАФИЙ

Абул Барокат ан-Насафийнинг тўлиқ исми, Ҳофиз ад-Дин Абул Барокат Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий бўлиб, Муҳаммад Шафиқ Гирбоннинг («Ал-Мавсуат ал-арабият ал-муяссара») арабий энгил қомус асарида алломанинг таваллуди 629 хижрий, 1232 милодий йил деб берилган. Абул Барокат ан-Насафий ҳақида кўплаб библиографик манбаларда қисқа бир-бирини такрорлайдиган маълумотлар берилган. Адабиётларда қуйидагича тавсифланган.

Бу олимнинг тафсир илмига оид ёзган асари «Мадорик ат-Танзил ва Нақоик ат-Тавкил» («Қуръон моҳият ва таъвил ҳақиқатлари») Насафийнинг энг машҳур асари бўлиб, у мусулмон оламидаги Қуръонга ёзилган мўътабар тафси-лардан биридир. Абул Барокат Насафийнинг тафсирга оид асари қолганлари ичида мавзу, услуб ва илмларнинг кенг қамровли жиҳатидан шоҳ асар ҳисобланади.

Зухриддин ОХУНОВ,
Имом ал-Бухорий номидаги
Тошкент Ислом институти талабаси

Хабарингиз бор, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Киночилар уйи»да «Ўзбек қизи» бадий фильмининг катта премьераси бўлиб ўтди. Ушбу фильмда Иккинчи жаҳон уруши йилларида иштирок этган ўзбек хотин-қизларининг жанг майдонларида кўрсатган қаҳрамонликлари бош қаҳрамон Жамила образи орқали гавдалантирилади.

ФРОНТДАГИ «ЎЗБЕК ҚИЗИ»

«Cinema of Central Asia» ва Беларусь Республикасининг «Parason Production» киностудиялари томонидан суратга олинган фильмда бош ролларни актёрлар Айсенам Юсупова, Феруза Саидова, Йигитали Мамажонов, Сергей Лапанитсин, Олег Тактаров ва бошқалар ижро этган. Режиссёр Акбар Бектурдиев. Сценарий эса ёзувчи Бахтиёр Абдуғафурнинг «Ўзбечка» асари асосида ишланган. Картинанинг жанг саҳналари Беларусь Республикасининг Минск шаҳрида суратга олинган.

Тан олиш керак, қисқа вақтда фильм тилдан тилга ўтди. Бу эса энг кучли реклама. Мухими, жамиятнинг зиёли қатлам вакиллари оддий томошабингача ўз фикрларини ижтимоий тармоқлар ўзанида билдириб ўтишди. Улардан айримларини сизга ҳавола этиш орқали фильм ҳақидаги тасавурларни чуқурроқ ҳосил қилишга ҳаракат қиламиз.



Бахтиёр АБДУҒАФУР, сценарий муаллифи:

– Асарим асосида ишланган фильм премьерасида бўлдим. Асарни ёзишни бошлаганимда бунчалик катта тиражларга чиқишни кутмагандим. Фильмни томошабинлар орасида ўтириб кўрдим. Бош қаҳрамон – Жамиланинг ҳар сафар қаҳрамонлигини одамлар олқишлар билан кутиб олди. Бундан шундай хулосага келдимки, одамлар ҚАҲРАМОНлар тимсолида ўз жасоратини кўради! Бундан ғурурланади, фахрланади. Демак, халққа ўзини эслатиш керак экан. Халқ ўзини афтодаҳол, бечора, ожиз кўрмасин. Миллий қаҳрамонлар қиёфаси ҳар доим муҳимлигини чуқур ҳис қилдим. Халқнинг ғурурини кўтариш ҳозирги шиддатли дунёда ҳар қачонгидан-да зарур. Ҳар қандай давлатнинг таянчи, энг аввало, халқ! Халқ армия ва махсус хизматлар билан бирлашиб қудратли саналган армияни тўхтата олди. Бизда ҳам шундай бўлиши лозим. Ёв ичкарида эмас, ташқарида, буни ҳаммамиз биламиз. Тарихий ғурури, ор-номусини унутмаган халқ давлат учун ҳар нарсага тайёр бўлади. Ва бунинг учун халқни ўзини ўзига танитиш лозимдир. Бу халқ ўзи ким? Бу Жалолоддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Бобур, Мадаминбек, Шермуҳаммадбеклардир... Бу халқ ўзи ким? Империялар қурган миллатдир! Дарвоқе, «Ўзбек қизи»дан «Ўзбечка»нинг фарқи борлигини ёзишяпти. Албатта, асарнинг фильмга айланишида қатор ўзгаришларга учраши бор гап. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Насиб қилса, балки, асар тўлиқлигича сериал қилиб ишланар.





Шарофиддин ТўЛАГАНОВ, журналист:

– Кинога гап йўқ. Яхши олинган – салкам 2 соат одамни экранга михлаб қўйди. Раиснинг хотинбозлиги-ю, капитаннинг севгиси ўз йўлига. Бунга тўхталмайман. Мен бир нарсани айтмоқчиман. Кино Совет мафкураси бўйича олингандек тўйилди. Ҳозир XXI аср. Уруш тугаганига 78 йил бўлди, Совет давлати парчаланганига, коммунистик мафкура барҳам топганига 30 йилдан ошди. Энди урушга бўлган муносабат ҳам қайта кўриб чиқиши керак. Тўғри, мен «урушга бўлган муносабат ревизия қилинсин», демоқчи эмасман. Аммо «Туркистон легиони» ҳақида ҳам қисқагина эпизод киритилса яхши бўларди. «Ўзбек қизи»да бунга уриниш бўлган. Аммо бу эпизод профессионаллик нуқтаи назаридан ўзини оқламагандек. Биламиз, битта разведкачи минглаб аскарнинг, юзлаб снайпернинг ишини қилади. «Ўзбек қизи»да «Туркистон легиони»да хизмат қилаётган Совет разведкачиси севгилисини қўтқариш учун осонлик билан ўзини фош қилади. Демак, у олдига қўйилган вазифани бажармайди. Бунинг учун советлар уни отиб ташлаши ҳам мумкин. Назаримда, мана шу кадр ишонарсиз чиққан. Тўғриси, қийноққа солинаётган Жамиланинг олдига севгилиси Рустамнинг келаётганини кўриб, «кино энди бошланди», деб тургандим. Афсус, бу кинонинг тугаши экан. Якун эртадек бўлиб қолган. Таклифим: бундан кейин уруш ҳақида суратга олинадиган киноларда мафкуралар ўртасидаги кураш биринчи ўринга чиқиши керак.



– Умуман, актёр ва актрисалар маҳорати, грим, уруш сахналари – буларнинг барчаси ажойиб. Аммо фильмда баъзи камчиликлар кўзга яққол ташланиб қолган. Энг аввало, драматизм ва характерларнинг кучи камдек... Режиссёр Жамилани томошабинга мажбурлаб танитишга урингандек тўйилди. Воқеалар ривожини жуда тез. Менимча, мақсад асосан Жамиланинг қаҳрамонлигини кўрсатиш бўлган, унинг шахсияти ва ички дунёсини эмас. Эҳтимол, шунинг учун у жон берганда мен ёш тўкмадим, чунки фильм сўнгигача Жамила шахсиятини, унинг образини яхши таний олганим йўқ. У фильм давомида менинг яқинимга айланиб улгурмади.

Назаримда, фильмни икки хил усулда кўриш мумкин. Биринчиси, онг билан, иккинчиси онг ва туйғулар билан. «Ўзбек қизи»ни онг билан томоша қилдим. Билганим, Жамиланинг қаҳрамонлиги, тарихий шахс экани бўлди. Туйғуларим ўрни эса бўш қолди. Фильм фронтга жўнатилиши керак бўлган картошка воқеаси билан бошланади. Ўша сахнада Жамила олдига бирдан ё уруш, ё бадфёъл раисга эрга тегиш танлови ўртага ташланган.

Шундай қилиб, чорасизлик ортидан урушга кетган қиз фронтдаги илк сахнадаёқ мерганлигини намоён қилади. Бомбардимончи самолётни уриб туширади. Ақл бовар қилмас ҳолат, шундай эмасми? Гўё у она қорнидан снайпер бўлиб туғилган, сал аввал картошка териб юрган қиз снайпер қуролини ушлашни, қандай, қаерга отишни ўз-ўзидан ўрганиб қолганмикан?

Яхшиси, бу борада Бахтиёр Абдуғафурнинг бадиий-тарихий «Ўзбекча» романига мурожаат қилсак.

Фильм сценарийси шу роман асосида ёзилган. Романда Жамила қишлоқда от чоптириб ўсган жайдари қиз бўлгани, уйда доим отасининг ов қуроли тургани, у отаси билан овларда иштирок этгани ҳақида ёзилган. Бу – ўқувчини Жамиланинг мерган эканига ишонтира оладиган воқелик. Аммо «Ўзбек қизи»да бу сахналар олиб ташланган. Картошка териб юрган қиз бирданига снайперга айланди-қолди. Шундан сўнг Жамила ва унинг бир неча сафдош дугоналари учун ҳарбий тайёргарлик бошланади.

Мана шу сахналарда тушунарсизликлар кўп. Қизларни фронтга тайёрлаётган устоз оғир машғулоти билан ўқувчи қизларнинг норозилигига сабаб бўлади. Устозга кўра, оғир машқлар фронтда қийналмаслик учун керак.

Оғир машқлар қилдираётган устоз устидан ҳатто номаълум шикоят хати ёзилади юқорига. Айнан ушбу хат масаласи ҳам тушунарсиз. Уни Жамила номидан ким ёзгани сирлигича қолиб кетган. Бу сахналарга бир неча бор урғу берилганига қараганда, устознинг ҳаракатига фильм давомида яна қайтилади, деб ўйлагандим. Яъни қийин машқлар нега керак бўлиши фронтда ёдга олинди ёки шунга мос бир ишора берилди, деган фикрда эдим. Режиссёр бу сахнага бежиз урғу бермаган, ҳар бир ҳаракатдан томошабиннинг тўлқинланиши учун қандайдир жумбоқлар ясаган, деган ўйда эдим. Аммо ундай бўлмади...

Илк оқопдаги жанг. Жамиланинг сафдошларидан бири ўзини ўққа тутаетган томонга «Отманглар!», деганча югуриб кетади. Уни хоин дея командирнинг ўзи отиб ташлайди. Кеч тушгач, Жамила ўзини душман томонга урган қизни излаб, жанггоҳга кетади. Назаримда, фильм ижодкорлари шу сахна орқали Жамиланинг инсонпарварлигини, шахсиятни кўрсатмоқчи бўлган-у, қовун туширган. Очиги, кулгили тўйилди бу сахна.

Аввало, арзирли нарса учун жон фидо қилиш қаҳрамонликка хос. Ўзини осонгина ва ўз ихтиёри билан душман қўлига топширган қиз учун Жамиланинг фидойилиги қаҳрамонликми ёки телбалик? Жамиланинг бу ҳаракати эса қимматга тушади: оқоп жангчилари зарар кўради, бир неча одам ўлади...

Биринчидан, қўрқувдан душман тарафга югуриб кетган қиз ва Жамила ўртасидаги муносабат очиб берилмаган фильмда. Жамила учун ўша қиз ким эди? У билан ўртасида қандай яқин муносабат бор эдики, жонини хатарга қўйиб, уни қўтқармоқчи бўлди?

Бу яқинликнинг тафти нега томошабинга бегона? Нега айнан шу муносабатга кўпроқ урғу берилмади? Агар бу муносабат икки қизнинг характери даражасида очиб берилганда, Жамиланинг нима ҳис қилаётганини тушуна оларди томошабин. Бекорга бундай қилмаганини, у қиз Жамила учун қадрли эканини англаб етардик. Буни кўрсатиш эмас, томошабинга ҳис қилдириш керак эди, аслида. Бу вазиятда мен Жамилани тушуна олмадим...

Ва ниҳоят, муҳаббат масаласи! Фильмдаги муҳаббат устига қурилган ғоя жуда чиройли. Бу борада сюжет



Мафтунна КАРИМОВА, журналист:

яхши танланган. Муҳаббат сахналари орқали барча уруш фильмларида томошабин руҳиятини осон забт этиш мумкин. Соғинч ва айрилиқ, ҳижрон одамларни бефарқ қолдирмайди. «Ўзбек қизи»даги муҳаббат ҳам шундай таъсир қилдими? Жамила фронтга чиндан Рустамни излаб келдими ёки чорасизликданми? Кекса ва тул раиснинг зуғумидан қутулиш, аммасини ташвишдан халос қилишмиди мақсади ёки ростдан Рустамни топиш?

Жамиланинг урушга чорасизликдан ташлаган қадами Рустамни топиш умидига боғлаб юборилган. Томошабин бу муҳаббат қиссаси билан таништирилмайди. Фақат кино аввалида Жамила ва амманинг суҳбатлари орқали муҳаббат масаласи очилади. Яъни Жамиланинг унаштирилган йигити борлиги ва ҳоказо... Фильмда аҳён-аҳён бир-бирига сув сепаётган икки севишган бўй кўрсатиб қолади. Булар Жамиланинг хаёллари орқали қисқа-қисқа тасвирлаб кетилган, холос.

Кино сўнгидаги кульминация эса ажойиб. Рустамнинг фашистлар томонига ўтиб кетгани билан боғлиқ конфликт томошабинни ўйлантиради. Аммо бу топишмоқ томошабин шуурида авж палласига чиқишга улгурмайди. Унинг жавоби жуда қисқа фурсатларда фош қилиб қўйилган... Ва яна шу ерда муҳаббат масаласига қайтамиз: Рустамнинг ёди билан яшаётган, аввалроқ унинг ортидан «қорахат» келганидан хабар топган Жамила асирликда тирик Рустамга дуч келди!

Тағин қандай ҳолатда? Фашистлар томонига ўтиб кетган сотқин, хоин сифатида кўрди севгилисини. Шу ерда Жамила ва Рустамнинг ҳолати ҳамда уларнинг ўртасидаги суҳбат жуда жўн тасвирланган. Ваҳоланки, бу фильм финали эди! Кўзларда ҳайрат, ўкинч ва энг қизиғи, саволлар йўқ эди. Ахир ўлди деб юрган муҳаббати унинг қаршисида турибди-ку?! Улар гўё ҳеч нима бўлмагандай, илк марта бир-бирини кўриб турган икки бегонадай.

Бош қаҳрамонни акс эттирган актриса ўз ролини маромида ижро этган, назаримда. Умуман, барча ижрочилар маҳорати таҳсинга лойиқ. Уруш сахналари билан алоҳида ишлангани кўриниб турибди. Жонли тарзда бўй кўрсатган жанггоҳлар. Ўзбек киноси учун қувонарли натижа. Ягона муаммо сценарийда, назаримда. Унда баъзи тушунмовчиликларга йўл қўйилгани, ҳислар иккинчи даражага тушиб қолгани, қаҳрамонлар шахсиятига кўп тўхталмагани фильм таъсирчанлигига путур етказган.

Хуллас, яхши кино ҳақида истаганча гапириш, таҳлил қилиш мумкин. Ҳатто танқид қилиш ҳам. Бу, албатта, ижобий ҳол. Зеро, ён-атрофимизда танқидга ҳам арзимайдиган саноат маҳсулотлари қалашиб ётган бир пайтда «Ўзбек қизи» ҳақида айтилаётган ҳар бир фикр бу халқнинг холис баҳоси, эътирофидир. Киноасардаги энг муҳим сабоқ эса ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги буюк хизматлари, ҳалоллиги ва ботирлиги, ҳатто аёлларни-да жанггоҳларда кўрсатган мислсиз жасоратларини доимо ёдда тутмоқликдир.

Шоҳсанам АБДУЛЛАЕВА, Муаттар АЛОБИДИНОВА, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳарбий журналистика йўналиши талабалари

Мазкур саҳифа «Vatanparvar» газетасида кўпдан мавжуд. Оз сонли китобсеварлар эътиборига тушгани бизни севинтиради. Улар сафи янада кенгайса эди... Китобларни фарзандларингиз даврасида ўқиганингиз сингари газета ҳам оила даврасида ўқишга арзирлидир.



СИЗГА МАРДЛИК-ТАНТИЛИК ТИЛАГИ БИЛАН



Азиз ўқувчи, азиз Ватан ҳимоячилари, сиз «Vatanparvar»га обуна бўлдингиз, оила бюджетидан маълум бир қисмини шу газета учун сарфладингиз, ундан фойдаланишни ҳам унутманг! Бу ерда нафақат сиз учун, балки ҳар қандай ёшдаги фарзандларингиз учун ўқишга арзирли саҳифалар бор. Болаларингиз тенгдошлари ижодидан баҳраманд бўлсин, ижодда ўзини синаб кўрсин, ота-онани ёки дўстларининг эзгу ишлари ҳақида хабарлар ёзсин. «Келинг, китоб ўқиймиз!» саҳифасини уларга ҳам танитинг. Улар ҳам газета ўқиб, улғайсинлар. Ишонинг, тарбия борасида ҳам газета сизга яқин ёрдамчи бўла олади!

Бугун кўплар газеталарнинг умри битганига ишонадилар. Аммо дунё тажрибаси бунинг аксини кўрсатиб турибди. Булар ўткинчи ҳолат эканига ишонман. Сўз ўлмади туриб, ўқишга эҳтиёж ҳам тугамайди.

Яқинда таниқли адиб Назар Эшонқулнинг адабиёт ҳақидаги мақоласини ўқидим. Асли барча даврларда ҳам адабиёт ҳақида бениҳоя кўп яхши гаплар ёзилган. Унинг тарбиявий аҳамияти ҳақида улғу ёзувчилар ҳикматли фикрларини баён қилганлар. Келинг, бир арава қуруқ гап гапиргандан кўра, адибнинг мақоласидан бир парчани ўқийлик:

«Адабиёт – тарбия воситаси. Буни тан олмасликни мен адабий бодилик, деб тушунаман. Тўғри, адабиёт муаллим ёки ота-она каби бевосита тарбия билан шуғулланмайди, аммо у туйғуни, дидни, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги тасаввур чегарасини, кўнгил ва қалбни тарбиялайди. Шунинг учун у тарбия воситасидир. Инсониятнинг бугунги кўплаб фожиаси маълум маънода ада-

биётдан узоқлашиши ёки у билан қалбларини тарбияламай қўйгани билан боғлиқ экани дунё алломалари ўртасида таҳлил қилинган ва қилинган. Санъат, жумладан, адабиёт тарбияламаган қалб ваҳшийликка, ёвузликка, тубанликка мойил қалбдир. Чунки адабиёт билан тўлган қалбга ёвузлик кириб олиши қийин кечадди, кўнгил майли ёвузлик томонга ўтишдан олдин у ерда адабиёт бунёд этган кўрғонларни, қалъаларни бузиб ташлашига тўғри келади. Адабиёт билан тўйинган қалб, онг – пойдевори мустаҳкам бинога ўхшайди».

Назаримда, шу парчада ўқувчиларимизга қилаётган бадиий асарлар тарғиботимизнинг мазмун-моҳияти, мақсади мужассам.

Абхаз шоири ва адиби Фозил Искандарни (1929–2016) ҳеч бўлмаганда, эшитган чиқарсиз. Чунки у дунё адабиётида ўзига хос феномен саналади. Илк ижодини шеърлар ёзишдан бошлаган. Ростини айтсам, шеърларини ўқимаган эканман. У рус тилида ижод қилган. «Чегемлик Сандро», «Чико болалиги», «Қуёнлар ва бўғма илонлар», «Хераклнинг 33-жасорати», «Софичка», «Ибтидо» каби бир қатор асарлари ўзбек адабий тилига чевирилган. Адиб асарларини таржимонлар Низом Комил, Раҳим Отаули ўзбек ўқувчиларига танитди.

Ҳамма асарлари ҳақида тўхталиш имконсиз. Ҳикоялари ҳам унча-мунча романдан қолишмайди. Сизга унинг «Юрак» ҳикоясини тавсия қиламиз. Ишонманки, айнан шу ҳикоя унинг бошқа асарларига бўлган қизиқишинингизни ҳам оширади, қидириб топиб, мутолаа завқидан баҳраманд бўласиз.

Ю қ о р и д а Назар Эшонқул сўзларини бежиз келтирмадим. Шу ҳикояда ҳам адабиётнинг тарбия воситаси эканлиги ёрқин чизгилар, тасвирларда кўрсатилган.

Ҳикояни ўқир эканман, пойтахтнинг Сапёрлар кўчасидаги собиқ ишхонамиз ёдимга келди. Унинг кичикроқ бўлса ҳам спорт майдончаси бўлиб, ҳафтанинг маълум кунлари волейбол ўйналар эди. Мен спортдан йироқ бўлганим учун кузатувчи мақомида эдим. Кузатишларимдан биламанки, волейболда кишилар характери ҳам очилар эди. Икки тоифа – бу ўйиндан шунчаки ҳузур

оладиганлар ва мағлубиятга ўрганмаганлар бор эди.

«Юрак»дан ўқиймиз: «Биз деярли бир хил савияда ўйнаймиз. Виктор Максимович айрим ишқибозлар ва ҳатто, афсуски, улғу гроссмейстерлардан одоблироқ (Мана, инсонга хос ақлий қобилиятнинг чексизлиги ва ахлоқий хусусиятларининг чекланганлиги ўртасидаги ҳам кулгили, ҳам қайғули каттакон жарлик!) Демокриманки, у ўйин чоғида ниҳоятда хушмуомала бўлади. Бу фазилатни шунинг учун ҳам қадрлаш керакки, Виктор Максимович мағлубиятга учрашни худди ўйинқароқ болакайга ўхшаб жуда ёмон кўради.

Бир куни ўйин чоғида унинг шохини мот бўлиш тўри қоплади. Мен бундай вазиятда шошқалоқлик қилмаслик, аҳмоқона йўл юриб қўймаслик ва бу тўрдан қутулиб чиқиб кетмаслиги учун баҳузур ўйга чўмдим. Аммо Виктор Максимович шу қадар енгиллишни хоҳламас эдики, менинг ўйга толишимга унинг асаблари дош беролмай қолди. У менинг тошимни чангаллаб, ўзаро бир неча юришлар қилиб, эълон қилди:

– Мот!

Шундай қилиб, ўзига ўзи мот қўяр экан, у бу ишни ўз қўли билан қилиб, бир ҳисобда ўзини эмас, мени мот қилди гўё. Мана, у мағлубиятни қанчалик ёмон кўради!»

Қаҳрамонни танитиш маҳоратига боқинг! Кичиккина парчада инсонни танитишни ҳамма ҳам эплайвермайди.

Ҳикояни ўқиш асносида инсонни ўз-ўзи билан кураши экан, деган хулосага келасиз. Эҳтимол. Аммо ҳаётда ўзингизни бурчли деб билган вазиятлар ҳам учрайди. Ўша вазият ҳаётингиздаги асосий нарсани англайди. Ким эканлигингизни билдирадиган вазият.

Ўқиймиз: «Ана шунда мен ўз юрагимни эслаб қолдим. Аммо зумда унутдим. Менинг ёнимда болакайнинг борлиги, уни қандай қилиб бўлмасин соҳилга соғ-омон етказишим кераклиги ҳақидаги фикр бутун борлигимни банд қилиб олганди. Юрагимни эслар эканман, қарийб шу заҳоти ўша кўксимдаги қўшалок уриш ва бир лаҳзалик тўхташни ҳис этдим. Ҳаммаси худди аввалгидек, лекин улардан бир неча баравар кучсизроқ. Гўёки юрагим-

ни безовта қилган куч: «Мен ҳалиям йўқолганим йўқ, аммо шу топда сен менга нисбатан бақувватроқсан», деб тургандек.

Мен буни яққол ҳис қилдим. Болакай ҳақида қайғуриш бошқа дардларимни миямдан сиқиб чиқарди».

Айримларнинг фикрларига кўра, ўзбек адабиётида қаҳрамонлар бечора, эзилган, ўта хокисор эмиш. Уларда жасорат, шиддат, курашувчанлик етишмайди, дейдилар. Айнан шу фикрдан кейин асарлар қаҳрамонларига янада жиддийроқ эътибор бера бошладим. Янглиш фикр, деган хулосага келдим. Инсонлар бир-бирини такрорламайди!

Ўқиймиз: «Қирғоққа қадар икки юз метрча қолган эди. Энди мен бир қўллаб сузганимча болакайнинг ортидан базўр улгурмоқда эдим. Соҳил ҳам, денгиз ҳам кимсасиз эди, бинобарин, кўмак кутиб бўлмас эди. Бир қўлда зўриқиб сузганим учун бўлса керак, юрагим бўғзимга келиб тиқилгандек бўлмоқда эди. Э Худо, дея илтижо қиламан ўзимча, яна юз метрча чидагулик куч ато эт ўзинг, нариёғига менга бир нима бўлган тақдирда ҳам болакайнинг ўзи соҳилгача сузиб бора олади».

Бола ва юрагида муаммоси бўлган эркакнинг денгиздаги бу ҳаёт-мамонт кураши қандай яқун топганини билишни истасангиз ҳикояни ўзингиз ўқиганингиз маъқул. «Юрак»да бир-бирига боғлиқ бир неча воқеалар бор. Айниқса, бошланишидаги аёллар ҳақида парча менга жуда ёқади. Баъзан такрор ўқийман. Чунки бу оддий одамнинг эмас Фозил Искандардек улғу адибнинг сўзлари-да!

Ишонман, Фозил Искандар асарлари билан жавонингиздаги жавохирлар сони ортади. Унинг китоблари одатдаги ўқиган китобларингиздан тубдан фарқ қилади. Ўқиб, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз. Шу ерда сўзимизни ҳикоядаги қуйидаги парча билан тамомлаймиз: «...токи мардлик-тантилик билан қилинган саъй-ҳаракатлар ҳали сақланиб қолган экан, эҳтимолки, худди ана шундай саъй-ҳаракатларнинг шарофати билан дунёда тинчлик-тотувлик қарор топиб, олам гулистон бўлади. Сизга сабр-тоқат ва мардлик-тантилик тилайман, дўстлар».

Ҳузурли мутолаалар тилаги билан

Инобат ИБРОҲИМОВА,
 «Vatanparvar»

Замонавий шароитларда уруш ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатлар характери борган сари мураккаб, кўп бўғинли белгиларни намоеён этмоқда. Шу билан бирга, ҳарбий-иқтисодий фаолиятнинг иқтисодиёт билан ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, таҳдидларнинг янги характери оқибатида ҳарбий операцияларни олиб боришга сезиларли даражада жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ҳарбий-иқтисодий қарама-қарши томонларнинг асосий мақсадлари, одатда, мос равишда уларнинг стратегиясига қарашлидир.

ҲАРБИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР



Масалан, Иккинчи жаҳон урушида қарама-қарши томонлар стратегик хомашё, материаллар, озиқ-овқат, қурол-яроғ ва ҳарбий техника импортини истило қилиб олинган мустамлака мамлакатлардан олиб киришни ҳар томонлама кенгайтди. Ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш учун кўпчилик мамлакатларнинг стратегияси ўзларининг ҳарбий саноати, қурол ва ҳарбий техника ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё, озиқ-овқат ва энергия ресурсларини импорт қилиш орқали Қуролли Кучларини таъминлаши керак эди. АҚШ Иккинчи жаҳон урушига йирик миқдордаги хомашё, молиявий ресурслар, катта меҳнат захиралари ва ишлаб чиқариш қуввати билан кирди. Бу Қўшма Штатларга ҳарбий ишлаб чиқаришни тезда ошириш ва ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган саноатни кенгайтириш имконини берди. АҚШнинг стратегияси барча урушлар даврида ҳарбий-сиёсий вазифаларни ҳал этиш манфаатларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш захиралари, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурсларни оптимал тақсимлаш таркибий қисмларидан иборат эди.

Фашистларга қарши коалиция иттифоқчи давлатларнинг ҳарбий ва иқтисодий ҳамкорлиги кўп жиҳатдан уларнинг умумий душман устидан ғалаба қозонишини белгилаб берди. Бутун уруш давомида қарама-қарши томонлар стратегик хомашё, материаллар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳарбий техника билан таъминлаш таърифларини бузишни нобарқарорлаштиришга ҳаракат қилдилар, бу эса уларнинг ҳарбий ва иқтисодий салоҳиятини чеклаб қўйди. Тўпланган стратегик захиралар кўп жиҳатдан қарама-қарши томонларнинг уруш олиб бориш имкониятларини оширишга ёрдам берди.

Германиянинг стратегияси тажовуз бошланишидан олдин ҳарбий ишлаб чиқаришни ва Қуролли Кучларининг тайёргарлиги давридаги ҳаракатларини яширинлигини таъминлаш учун зарур захираларни яратиш, шунингдек, босиб олинган мамлакатларнинг ресурсларини эгаллаб олиш эди. Урушдан олдинги йилларда Германияда суюқ ёнилғининг барча турларини ишлаб чиқариш деярли 3 баробарга, шу жумладан, синтетик бензин 8 баробарга ошди. Яратилган захиралар ва жорий ишлаб чиқариш даражаси камида бир ёки икки йил давомида ҳарбий иқтисодиётнинг энергия, қора ва бир қатор рангли металлларга бўлган эҳтиёжларини қондирди.

Урушдан олдин етарли захирага эга бўлмаган Британия иқтисодиёти стратегик хомашё, ёқилғи-энергетика ва бошқа муҳим ресурслар борасида бевосита ташқи таъминотга боғлиқ бўлиб қолди. Германия томонидан Буюк Британиянинг иттифоқчилари бўлган Ғарбий Европа давлатлари ва Жануби-Шарқий Осиё ва Африканинг баъзи мамлакат-

ларининг босиб олиниши, Буюк Британиянинг ташқи таъминотдан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўйди. Хомашё, металл, ёқилғи ва валюта маблағларининг етишмаслиги ҳарбий саноатнинг кўплаб тармоқлари ишига салбий таъсир қилди. Бундай шароитда Буюк Британиянинг стратегияси АҚШ ва Британия империяси таркибига кирган мамлакатларнинг моддий ресурслари ва маҳсулотларидан максимал даражада фойдаланишга қаратилганди.

Қўшма Штатлар ва Буюк Британиянинг стратегияси муҳолифларнинг иқтисодиётини асосий хомашё ва энергия манбаларидан ажратиб қўйиш, шунингдек, уларнинг ҳарбий иқтисодиёт инфратузилмасини издан чиқариш, транспорт коммуникацияларини бузиш орқали стратегик маҳсулот ва хомашёлар олиш, етказиб беришдан иборат эди. Ушбу стратегияни амалга ошириш натижасида, Италия иқтисодиёти анъанавий таъминот манбаларини йўқотди ва уруш давомида тобора кучайиб бораётган қийинчиликларни бошдан кечирди.

1943 йилнинг бошида кўмир қазиб олиш ва етказиб беришнинг пасайиши энергия ресурслари тақчиллигини кучайтирди, бу эса, ўз навбатида, оғир саноатнинг бошқа тармоқларига ҳам салбий таъсир қилди. Уруш йилларида Япония иқтисодиёти ҳам узок вақт давомида кўп турдаги хомашё танқислигини бошдан кечирди. Мазкур ҳолат металлургия ва машинасозликнинг ривожланишига таъсир кўрсатди.

Иттифоқчиларнинг ҳаракатлари натижасида 1942 йилнинг кузидан бошлаб, Япония оролларига асосий саноат маҳсулотлари, темир, пўлат, рангли металллар рудаси, нефть, каучук ва бошқа турдаги стратегик аҳамиятга эга материалларни етказиб бериш пасая бошлади ва ишлаб чиқариш аста-секин камайиб кетди. Шунга ўхшаш стратегия Германия ва унинг иттифоқчилари томонидан ҳам амалга оширилди. Натижада Франция саноат ишлаб чиқаришининг умумий даражаси урушдан олдинги даражанинг атиги учдан бир қисмини ташкил этди. Уруш йилларида бу мамлакатнинг кемасозлик ва нефтни қайта ишлаш қуввати бутунлай яроқсиз ҳолга келиб, Эльзас ва Лотарингия саноат жабҳалари Германияга зўрлик билан қўшиб олинди. Худди шундай манзара Европанинг бошқа босиб олинган мамлакатларида ҳам кузатилди.

Уруш бошланишидан олдин СССРнинг стратегияси мамлакат шарқидаги асосий саноат тармоқларини захиралаш ва кўпайтиришдан иборат эди. 1938 йилдан 1942 йилгача бўлган даврда Волга бўйи, Урал ва Сибир-

да ҳарбий-саноат базасини яратиш чоралари кўрилди. Мамлакат шарқида маҳаллий ёқилғи ва металлургия ресурсларига таянган ҳолда замонавий ускуналар билан жиҳозланган захира заводлари қурилди.

1941 йилнинг ёзига келиб, Урал, Волга бўйи, Ғарбий ва Шарқий Сибирь, Ўрта Осиё ва Узок Шарқдаги саноат корхоналари ҳарбий маҳсулотларнинг 18,5 фоизини, ишлаб чиқаришнинг айрим турлари бўйича эса 34 фоиздан ортигини ишлаб чиқарди.

Ўша даврда Канада АҚШ ва Буюк Британия учун ўзига хос «арсенал» ролини ўйнади. Бундан ташқари, у бу мамлакатларни хомашё, озиқ-овқат ва ҳарбий материаллар билан таъминлади. Уруш йилларида Канадада саноат ишлаб чиқариши 2,5 баробарга ошди.

Қўлга киритилган иқтисодий жабҳалар, иттифоқдош ва бетараф давлатларнинг ишлаб чиқариш қуввати, хомашё ва бошқа ресурсларидан фойдаланиш (ишла-тиш) стратегиясидан Германия ва унинг иттифоқчилари ҳам фаол фойдаланди.

Ушбу стратегияга мувофиқ, уруш бошида Германия – Франция, Чехословакия, Бельгия, Нидерландия, Дания, Норвегия ва бошқа бир қатор Ғарбий Европа давлатларининг рангли металлларининг стратегик захираларини, транспорт воситалари ва саноат ускуналарининг муҳим қисмини эгаллаб олди ва бошқа босиб олинган мамлакатлар иқтисодиёти тўғридан-тўғри ёки билвосита Германия назоратига ўтди. Бунга биргина қуйида келтирилган усуллар ва мисолларни келтириш мумкин:

Босиб олинган мамлакатларнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш, пул кредит соҳасини чеклаш чораларини қўллаш орқали Германия Европа давлатларининг марказий банкларидан 1,5 миллиард доллардан ортиқ олтинни мусодара қилди. 1943 йилнинг охирига келиб, истило этилган давлатлардан 7,122 миллион долларга тенг уруш харajatларини чиқарди;

ҳарбий техника ва ўқ-дориларни эгаллаш орқали, Германия – Чехословакия 30 та, Норвегия 6 та, Англия 12 та, Голландия 22 та, Бельгия 22 та ва Франция 92 та дивизияларини қурол-аслаҳа жиҳозларини, Францияни 3 000 та самолёт ва 5 000 га яқин танкларини ўзлаштирган;

ҳарбий ўлжалар ҳисобига 90 дан ортиқ ҳарбий бўлинмаларини қуроллантирган; мажбурий меҳнат ресурсларини олиб кириш орқали 1944 йилнинг охирига келиб, Германия иқтисодиётига чет эллик ишчилар ва ҳарбий асирлар сони барча банд бўлганларнинг

20 фоиздан ортигини ташкил этди;

озиқ-овқат ва бошқа моддий бойлик ресурсларини олиб келиш орқали 1944 йил апрель ойига келиб, СССРнинг вақтинча босиб олинган ҳудудидан Германияга 9,2 миллион тонна дон, 3,2 миллион тонна картошка, 1 миллиарддан ортиқ тухум, 2 миллион тонна ем-хашак озуқаси, 622 минг тонна гўшт маҳсулотлари, 420 минг тонна шакар, 239 минг тона электр двигателлари, 175 минг тона станоклар, 1 миллион тоннадан ортиқ темир рудаси, ўн минглаб тонна пахта ва жун маҳсулотлари олиб кирилди;

Германия иттифоқчилари ва бетараф давлатлар ресурсларидан фойдаланиш орқали Руминиянинг нефть, Венгриянинг боксит конлари, Швециянинг пўлат, рудалари, Испания ва Португалиянинг вольфрамини, Швейцариядаги муҳандислик, машинасозлик, ишлаб чиқариш жабҳаларини идора қилган;

Японияда Иккинчи жаҳон уруши даврида бошқа давлатлардан 140 миллиард иен қийматидаги моддий бойликлар давлатга олиб кирилган. Жумладан, Корейдан катта миқдорда гуруч, темир қотишмалар, темир рудаси, вольфрам, графит, ёғочларни Индонезия, Бирма, Хитой ва бошқа Осиё давлатларидан нефть, кўмир, темир рудаси, қалай, туз, тоғ жинслари, пахта, вольфрам, алюминий, мис, кўрғошин, гуруч, каучук маҳсулотларини олиб кирган.

1941 йилда Германия ҳарбий буюртмаларини ба-жариш учун Ғарбий Европа давлатларидан 5 000 га яқин заводлар жалб қилинди. Биргина Вермахт учун Францияда самолёт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 80 фоиздан ортиғи, қора металлургиянинг 40 фоиз ва металлга ишлов бериш саноатининг 70 фоиздан ортиғи ишлаган.

Германия Европа давлатларининг Марказий банкларидан 1,5 миллиард доллардан ортиқ олтинни мусодара қилди. Германия томонидан клиринг ҳисоб тизимида Болгариядан 85 миллиард лева миқдорда хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда фойдаланилган. 1944 йилнинг охирига келиб, Германиянинг ҳисоб-китоблари бўйича қарзларининг умумий миқдори 42 миллиард маркани ташкил этди.

Шундай қилиб, Иккинчи жаҳон уруши бизга ҳарбий-иқтисодий қарама-қаршиликнинг турли стратегияларини амалга оширишнинг бир қатор мисолларини тақдим этди.

**Полковник
Нодир АБАЗОВ,
Қуролли Кучлар
академияси тингловчиси**



ҲАРБИЙ ҚИСМ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КУН НИШОНЛАНДИ



ишлар бўйича ўринбосари полковник Алишер Ширинов барча ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар ишчи-хизматчиларини ҳамда фахрий устозларни мазкур тарихий сана билан самимий қутлар экан, келгуси хизматларида улкан зафарларни қўлга киритишларига тилак билдирди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг Хайробод гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм ташкил этилган кун кенг нишонланди.



Мудофаа вазирининг 1994 йил 13 майдаги директива-сига асосан ташкил этилган ҳарбий қисмга 1997 йил 26 март кунини жанговар байроқ ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Президенти номидан фахрий ёрлик шон-шараф рамзи сифатида тантанали равишда топширилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида олиб борилган ислохотлар натижасида 2019 йилда ҳарбий қисм капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий

киёфага эга бўлди. Энг олис гарнизонда жойлашганига қарамай, ҳар қандай вазиятга юқори жанговар шайлик, маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотидаги ютуқлари билан миллий армиямизда ўз нуфузига эга бўлган ушбу ҳарбий қисм 29 йил давомида етук офицер ва сержантларни тарбиялайдиган масканга айланган.

2019 йил ҳарбий қисм тарихида ўчмас из қолдирди. Капитал таъмирдан чиққан ҳарбий қисмда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюриб, ҳарбийлар билан яқиндан мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари томонидан шахсий таркибга билдирилган юк-

сак ишонч ва эҳтиром Ватан ҳимоячиларининг руҳини янада кўтариб, ҳарбий округ ҳамда Мудофаа вазирлиги нуфузини юксалтириш йўлида муносиб ҳисса қўшишга, юртимизнинг Жанубий сарҳадларини мустаҳкам ҳимоя қилишга жанговар руҳ бағишлади.

Ўтган йиллар давомида ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари Халқаро армия ўйинлари, нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритган.

Ҳарбий қисм ташкил этилган кун муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда иштирок этган Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ Жанубий оператив қўмондонлиги бошлигининг тарбиявий ва мафқуравий

Намунали интизоми билан сафдошларига ўрнатилган ва хизматида сидқидилдан ёндашган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар қўмондонлик ва ҳарбий қисм командирининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга навбатдаги ҳарбий унвонлар топширилди.

Байрам муносабати билан ташкил этилган концерт дастурда Хайробод гарнизони Маънавият ва маърифат маркази ҳарбий оркестри жамоаси ҳамда Денов тумани маданият уйи санъаткорлари куй ва кўшиқлари билан иштирокчиларга хуш кайфият улашди.

III даражали сержант Акбар АҲМЕДОВ
Термиз гарнизони

✓ CHAMPIONAT



АРАЛАШ ЖАНГЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш марказида аралаш жанг санъати спорт тури бўйича 12-13, 14-15, 16-17 ёшли ўсмирлар ўртасида республика чемпионати ўтказилди. Унда юртимизнинг 400 нафардан ортиқ спортчи ёшлари ғолиблик учун 3 кун давомида кураш олиб боришди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Қодиржон Турсунов иштирок этиб, спортчиларга буюк аждодларимизга муносиб равишда мард ва жасур бўлишлари ҳамда келажакда юртимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтаришларида омад тилади.

Аралаш жанг санъати спорт тури ўз ичига бокс, карате, дзюдо, кураш, жиу-житсу, муай-тай, санда ва жит кун-до каби спорт турларини қамраб олади. Мусобақа давомида ҳакамлар томонидан худди мана шу турлардаги усуллардан фойдаланишга рухсат берилди. Спортчи қайси усулдан фойдаланмасин рақибига нисбатан аниқ ва тезкор ҳаракат қилсагина устунликка эриша олади.

Финал жангларида оқтагонга чиққан спортчилар ғолиблик учун жиддий кураш олиб борди. Машқларда тобланган аралаш жанг санъати вакиллари эпчиллик ва чаққонлик билан рақибларига муносиб зарбалар бериб, ўз ҳисобларига тегишли баллар ёзилишини таъминлашди. Мусобақа ҳакамлари беллашувларни ўта синчковлик билан кузатиб боришди.

– Ушбу мусобақада ғолибликни қўлга киритган ўсмирлар август ойида Дубай шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этади. Шундай экан, бизга сараланган энг кучли спортчилар керак, – дейди мусобақа бош ҳаками Отабек Мусаев. – Қолаверса, аралаш жанг санъати спорт тури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси-

нинг ёш авлодларини ҳам мана шу мусобақа ғолиблари орасидан саралаб оляпмиз. Ўта шаффоф ва синчковлик билан жангларни кузатиб боришимизнинг асл сабаби ҳам шундаки, кучли спортчи ғолибликни қўлга киритсин ва кейинги халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилсин.

Уч кун давом этган мусобақада Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази тарбияланувчи ёшлари ҳам муносиб иштирок этди. Чемпионат ғолиб ва совриндорларга медаль, диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалар Мудофаа вазирлиги масъуллари, Аралаш жанг санъати ассоциацияси вакиллари ҳамда фахрий меҳмонлар томонидан тантанали равишда топширилди.



Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

ISLOHOTLAR SAMARASI

ZAMONAVIY BINO VA AVTODROM

Buxoro viloyatining Romitan tumanida "Vatanparvar" tashkiloti o'quv sport-texnika klubining yangi zamonaviy binosi foydalanishga topshirildi.

Binoning tantanali ochilish marosimida O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Markaziy kengashi raisi Husan Botirov, Romitan tumani hokimi Umidjon Barnoyev, tashkilotning Buxoro viloyati kengashi hamda uning tasarrufidagi tuman va shahar o'quv muassasalari rahbarlari, mahalla faollari va yoshlar ishtirok etdi.

Husan Botirov o'z nutqida ushbu innovatsion texnologiyalar bilan jihozlangan yangi bino aholi, ayniqsa, yoshlar haydovchilik va bir qator texnik kasblarni egallashlari hamda sportning texnik va amaliy turlari bilan shug'ullanib, muvaffaqiyat qozonishlari uchun imkoniyatlar maskani ekanligini ta'kidledi.

Shuningdek, so'zga chiqqan Romitan tumani hokimi U. Barnoyev o'quv sport-texnika klubini zamonaviy talablarga mos ravishda barpo etib, aholi foydalanishi uchun topshirgan "Vatanparvar" tashkiloti Markaziy kengashi rahbariyatiga chuqur minnatdorlik bildirib, ushbu ezgu ish tuman tarixida muhim voqea sifatida qolishini ta'kidledi.

So'ngra tadbir ishtirokchilari innovatsion texnologiyalar bilan jihozlangan, yiliga qariyb 1 000 nafarga yaqin avtomototransport haydovchisini tayyorlash quvvatiga ega sinfxonalar hamda yoshlar sportning texnik va amaliy turlari bilan shug'ullanishlari uchun mo'ljallangan seksiyalarning xonalari bilan yaqindan tanishishdi.

"Vatanparvar" tashkiloti Buxoro viloyati kengashi tasarrufidagi Qorako'l tumani o'quv sport-texnika klubi negizida yangi qurib bitkazilgan avtodromning tantanali ochilish marosimi ham bo'lib o'tdi. Tadbirida so'zga chiqqan tashkilot markaziy kengashi raisi Husan Botirov va Qorako'l tumani hokimi Xurshid Tohirov ushbu zamonaviy avtodrom haydovchilik sirlarini puxta o'zlashtirmoqchi bo'lgan minglab qorako'lliklar uchun asosiy amaliyot maskani bo'lib qolishini bildirdilar.

Mazkur amaliy mashq maydonidan "A", "B", "BC" toifalari bo'yicha haydovchilarni tayyorlash va "C", "BE", "DE", "CE" toifalari bo'yicha qayta tayyorlashda foydalanish ko'zda tutilgan.



E'TIROF

Navoiy shahrida O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti tomonidan sportning raketamodel turi bo'yicha O'zbekiston chempionati o'tkazildi.

XALQARO MUSOBAQAGA YO'LLANMA



"S-4-A", "S-6-A", "S-9-A", "S-7", "S-8-D" sinflarida o'tkazilgan ushbu musobaqada respublikamizning turli hududlaridan kelgan "Vatanparvar" tashkiloti sportchilari o'zlari tomonidan yasalgan raketa modellarini ochiq osmonga uchirib, imkoniyatlarini namoyish etdilar.

Anchayin qizg'in va hayajonli lahzalarga boy bo'lgan bellashuvda 1-o'rinni Buxoro, 2-o'rinni Namangan va 3-o'rinni Toshkent viloyatlari jamoalari qo'lga kiritdilar.

Shu bilan birga, bir guruh sportchilar Moskva viloyatida raketamodel sporti bo'yicha yoshlar o'rtasida o'tkaziladigan xalqaro musobaqada qatnashish huquqini qo'lga kiritdilar.

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti jamoasi ushbu yosh sportchilarni samimiy muborakbod etib, o'tkazilishi kutilayotgan xalqaro musobaqada g'oliblikni qo'lga kiritishlarini tilab qoladi.



O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti matbuot xizmati

O'ZBEKISTON CHEMPIONATI

PISKENTDA AVTOMOBILLAR POYGASI

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti tomonidan Toshkent viloyatining Piskent tumanidagi "Janubiy" avtopoligonida avtomobil halqa poygalari bo'yicha O'zbekiston chempionatining birinchi bosqich musobaqalari o'tkazildi.



Chempionatda respublikamizning barcha hududlaridan tashrif buyurgan sportchilar o'zaro bellashdilar.

Poygachi sportchilar chempionatning "A-8" sinfida dvigatelning ish hajmi 1 100 sm³dan 1 600 sm³gacha bo'lgan, "A-9" sinfida dvigatelning ish hajmi 1 601 sm³dan 2 000 sm³gacha bo'lgan va milliy sinfda dvigatelning ish hajmi 1 600 sm³gacha bo'lgan sport avtomobillarida harakatlandilar.

Murosasiz va qizg'in kechgan bellashuv quyidagi natijalar bilan yakunlandi:

"A-8" sinfida:

- 1-o'rin: Jamol Mirhosilov (*Toshkent sh.*);
- 2-o'rin: Yevgeniy Kim (*Toshkent sh.*);
- 3-o'rin: Farrux Urunov (*Toshkent sh.*).

"A-9" sinfida:

- 1-o'rin: Farhod Tojiyev (*Toshkent sh.*);
- 2-o'rin: Temur Ahrorqulov (*Jizzax v.*);
- 3-o'rin: Sarvar Rasulov (*Toshkent sh.*).

Milliy sinfda:

- 1-o'rin: Jasur Ergashev (*Toshkent v.*);
- 2-o'rin: Boris Konyuxov (*Toshkent sh.*);
- 3-o'rin: Muhammad Kukibayev (*Namangan v.*).

Musobaqa yakunida g'oliblar va yuqori o'rinlarni qo'lga kiritgan sportchilarga "Vatanparvar" tashkiloti faxriy yoriqlari va esdalik sovg'alarini tashkilot Markaziy kengashi raisi Husan Botirov topshirdi.

MINIFUTBOL



QO'MONDON KUBOGI UCHUN BELLASHUV

Jismoniy tayyorgarlik va sport zamonaviy armiyaning jangovar tayyorgarligining asosi, ajralmas qismi bo'lib, harbiy xizmatchilarda metin iroda, matonat, shijoat va liderlik xususiyatlarini shakllantirishda muhim o'rin tutadi.

Shu bois armiyada turli sport musobaqalari, bellashuv va chempionatlar o'tkazilib, sport turlarini ommalashtirishga katta e'tibor beriladi. Shimoli-g'arbiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondoni kubogi uchun o'tkazilgan minifutbol musobaqasi ham ana shunday ezgu maqsadga xizmat qiladi.

Harbiy xizmatchilar o'rtasida sog'lom raqobat muhitini ta'minlash, sportning ushbu turini ommalashtirish hamda ilg'or jamoalarni rag'batlantirish maqsadida tashkil etilgan mazkur bellashuvda 12 ta eng sara jamoalar kuch sinashib, g'oliblik uchun to'p surdi.

Uchrashuvlar shiddatli va murosasiz bahslarga boy bo'ldi. Havaskor sportchilar o'z jamoasi sharafini himoya qilish uchun bor kuch va g'ayratini namoyish etdi.

G'olib jamoa Shimoli-g'arbiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondoni kubogi bilan taqdirlandi.

Shimoli-g'arbiy harbiy okrug matbuot xizmati

ШОҲСУПА

(хабарлар)

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИ

БОКС: ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ МИҚЁСИДА ТЕНГСИЗ

Пойтахтимизда илк бор ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида 100 дан ортиқ мамлакатдан 550 нафарга яқин спортчи қатнашиб, 13 та медаль шодаси учун ўзаро жанг олиб боришди. Ўзбекистон терма жамоаси тарихий натижа қайд этди – дунё биринчилигининг жами 9 та медалига сазовор бўлди. Финал жангларида 7 таси музаффар боксчиларимиз иштирокида кечди!

Ўзбек боксчилари шу пайтгача ўтказилган жаҳон чемпионатларида 10 та олтин, 15 та кумуш ва 19 та бронза, жами 44 медални қўлга киритган ва терма жамоамиз умумий рейтингда 6-ўринда қайд этилган. Пойтахтимиз мезбонлик қилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида чарм қўлқоп усталаримиз 5 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза, жами 9 та медалга сазовор бўлишди ва терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Албатта, бу 1993 йилдан буён дунё биринчиликларида мустақил жамоа сифатида иштирок этиб келаётган Ўзбекистон терма жамоаси учун рекорд ва ўзига хос тарихий натижадир. Зеро, шу пайтгача боксчиларимиз ҳеч бир жаҳон чемпионатида 5 та олтин ва умумий ҳисобда 9 та медални қўлга киритмаганди.

Энг оғир (+92 кг) вазн тоифасидаги боксчимиз Баҳодир Жалолов эса фаолияти давомида иккинчи бор жаҳон чемпионлигига эришди. «Токио – 2020» Олимпиадаси ғолиби пойтахтимизда кечган дунё биринчилиги финалида кубалик Александр Арзолага қарши баҳс олиб борди ва жанг 1-раунддан сўнг тўхтатилди. Кубалик боксчи рақибига таслим бўлганлигини билдирди ва Баҳодир ғалаба-

сини тантана қилди. Шу пайтгача ҳамюртларимиздан Руслан Чагаев ҳамда Аббос Атоев икки марта бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлган, Баҳодир Жалолов учинчи спортчи сифатида улар сафига қўшилди.

Икки йил муқаддам Сербияда ўтган дунё биринчилигида кумуш медални қўлга киритган боксчиларимиз Ҳасанбой Дўсматов (-51 кг) ва Абдумалик Халоков (-57 кг) Тошкентда чемпионликка эришди. Фаолияти давомида бешинчи марта жаҳон чемпионатида қатнашган Ҳасанбой Дўсматов финалда франциялик Билал Беннамани 1-раундда нокаутга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Абдумалик Халоков эса финалда кубалик Сиедел Хорта устидан ғалаба қозонди.

Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили Саиджамшид Жафаров (-71 кг) ҳам финалга қадар муваффақиятли жанг қилди. У мозамбиклик Осорио Мухан, мексикалик Алонсо Верде, бразилиялик Вандерсон де Оливейра каби боксчиларни мағлуб этди. Қозғистонлик Асланбек Шимбергеновга қарши финал жангида эса Саиджамшиддан омад юз ўгирди ва MVSM вакили дунё



биринчилигининг кумуш медали билан тақдирланди.

Мазкур дунё биринчилигида Ўзбекистон терма жамоасининг тарихий натижасини таъминлаган қаҳрамонлар:

Олтин медаль соҳиблари:

-51 кг: Ҳасанбой Дўсматов

-57 кг: Абдумалик Халоков

-63.5 кг: Руслан Абдуллаев

-67 кг: Асадхўжа

Мўйдинхўжаев

+92 кг: Баҳодир Жалолов

Кумуш медаль соҳиблари:

-54 кг: Ойбек Жўраев

-71 кг: Саиджамшид

Жафаров (MVSM)

Бронза медаль соҳиблари:

-75 кг: Аълохон Абдуллаев

-92 кг: Лазизбек Муллажонов

Тошкентда ўтказилган жаҳон чемпионатининг олтин медали соҳиблари 200 минг АҚШ доллари, кумуш медаль эгалари 100 минг АҚШ доллари, бронза медални қўлга киритганлар 50 минг АҚШ доллари миқдоридеги пул мукофоти билан ҳам тақдирланди. Мусобақадан сўнг -51 кг вазн тоифасида олтин медалга эга чиққан Ҳасанбой Дўсматов чемпионатнинг «энг яхши боксчи»си, умумжамоа ҳисобида ғолибликка эришган Ўзбекистон терма жамоаси эса «энг яхши жамоа» деб топилди.

ДЗЮДО: БИРИНЧИ МАРТА 4 ТА МЕДАЛЬ

Қатар пойтахти Доха шаҳрида дзюдо бўйича жаҳон чемпионати баҳслари якунланди. Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) дзюдочилари етакчилигидаги мамлакатимиз терма жамоаси ҳам мазкур дунё биринчилигида ўзига хос тарихий натижа қайд этди – 4 та совринга эгалик қилди.

«Париж – 2024» ёзги Олимпия ўйинларининг муҳим рейтинг очколарини тақдим этадиган бу галги дунё биринчилигида 100 га яқин давлат дзюдочилари қатнашди ва чемпионат қутулмаган натижаларга бой бўлди. Мусобақа якунида 21 та давлат вакиллари у ёки бу даражадаги ўринларни эгаллаб, тегишли медаллар билан тақдирланган бўлса, 78 та мамлакат терма жамоаси аъзолари биронта ҳам совринга эгалик қилолмади.

Мазкур жаҳон чемпионатида етакчи полвонимиз Давлат

Бобоновсиз қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси ҳам олтин медалга эришмаган бўлса-да, ўзига хос тарихий натижа қайд этди. Жаҳоннинг 657 нафар кучли дзюдочиси билан кураш олиб борган ҳамюртларимиз якунда 2 та кумуш ҳамда 2 та бронза медалга эга чиқди. Қайд этиш жоиз, ҳали ҳеч бир жаҳон чемпионатида терма жамоамиз 4 та медаль қўлга киритмаган эди. Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази вакили Диёра Келдиёрова эса аёллар дзюдоси тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати финалига чиққан ўзбекистонлик спортчи бўлди. -52 кг вазн тоифасида курашган MVSM вакили финалда амалдаги жаҳон ва Олимпия чемпиони япониялик Ута Абега ютқазиб қўйди ва «жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритган биринчи аёл дзюдочи» сифатида юртимиз спорти тарихидан жой олди.

Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази вакили Дилшодбек Баратов (-60 кг) ҳам Дохада финалга қадар муваф-



фақиятли беллашди ва дунё биринчилигининг кумуш медалини қўлга киритди. MVSM вакили Муроджон Йўлдошев (-73 кг) ва Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Алишер Юсупов (+100 кг) эса ўз вазн тоифасида жаҳон чемпионатининг бронза медалига мушарраф бўлди.

Дохада якунига етган жаҳон чемпионатидан кейин Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) спортчиларнинг янгиланган рейтингини эълон қилди. Унга кўра, 15 нафар дзюдочимиз «Париж – 2024» Олимпиадасига йўлланма берувчи поғонага кўтарилган. Алишер Юсупов +100 килограмм вазн тоифасида пешқадамга айланган. Жаҳон чемпионатида қатнашмаган MVSM вакили Давлат Бобонов (-90 кг) эса аксинча, Олимпия ўйинлари рейтингига пешқадамликдан 3-ўринга тушган.

БАЙДАРКА ВА КАНОЭ



Венгриянинг Сегед шаҳрида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Жаҳон кубогининг навбатдаги босқич баҳслари ўтказилди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили Артур Гулиев ушбу босқичда муваффақиятга эришди. У 200 метрга каноэда эшак эшиш дастурида олтин медални қўлга киритди. MVSM вакили ушбу масофани 41.31 сонияда босиб ўтди. Португалиялик Хелдер Силва 41.56 натижа билан 2-ўринни, италиялик Маттиа Алфонси 41.82 кўрсаткич билан 3-ўринни эгаллади. Артур Гулиев ғалабаси шарафига Венгрия спорт майдонида Ватаннимиз байроғи юксак кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янгради.

ОҒИР АТЛЕТИКА



Жанубий Кореяда ўтказилган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси жами 13 та медални қўлга киритди. Жумладан, Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази вакили Руслан Нурудинов яна бир бор -109 кг вазн тоифасида чемпионликка эришди.

Жаҳон рекордчиси ҳисобланган атлетимизга яна олтин медалларни қўлга киритиши учун бу сафар даст кўтариш машқида 177 кг, силтаб кўтариш машқида 228 кг, иккикурашга кўра 405 кг кўрсаткич етарли бўлди. MVSM вакили Адҳамжон Эргашев (-67 кг) эса кумуш ва бронза медалларига эришди. Адҳамжон силтаб кўтариш машқида 174 кг натижа билан кумуш медалга эга чиққан бўлса, умумий ҳисобдаги 312 кг унга бронза медални келтирди. Эргашевнинг даст кўтариш машқидаги 138 кг натижаси эса унинг яна бир бор шоҳсупага кўтарилиши учун камлик қилди.

ВЕЛОСПОРТ



Мамлакатимизда велоспортнинг шоссе йўналиши бўйича ташкил этилган «OQTOSH-CHORVOQ MOUNTAIN» кўп кунлик пойгаларида 14 та мамлакатдан 120 нафар спортчи қатнашди. Пойтахтимиз ва Тошкент

вилояти трассаларида ўтган мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 5 та олтин, 3 тадан кумуш ва бронза, жами 11 та медални қўлга киритди. MVSM вакили Алексей Фомовский ҳам умумий ғалабага муносиб улуш қўшди. Эришилган муваффақият туфайли Ўзбекистон эрактлар терма жамоаси «Париж – 2024» Олимпиадасининг 151, аёллар жамоаси эса 402 рейтинг очкосига эга бўлди.

МУАЙ-ТАЙ



Таиландда бўлиб ўтган муай-тай бўйича жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 5 та медални қўлга киритди. 102 та давлатнинг

2 минг нафарга яқин спортчиси иштирокида ўтган шиддатли баҳсларда терма жамоамиз аъзоларидан Зубайр Хусанов (54 кг) олтин, Далер Собиров (51 кг) ва Раҳматжон Хўжаев (75 кг) кумуш, Наимжон Тўхтабоев (75 кг) ҳамда Ақобир Қахрамонов (91 кг) бронза медалга сазовор бўлди. Бутунжаҳон ўйинларига саралаш вазифасини ўтаган чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида кучли ўнликдан жой олди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Universal Horses Stable» от спорти клубида Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида поло от спорти бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ташаббуси ва Ўзбекистон поло федерацияси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур мусобақада куч тузилмаларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Экологик партияси вакиллари, фахрийлар ва ёшлар иштирок этди.

ҒАЛАБА МУБОРАК!

Очилиш маросимида сўз олганлар турнирни ташкил этишдан асосий мақсад, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги «Ўзбекистонда йилқиччилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг 2021 йилдаги «Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳар йили от спорти турлари бўйича турнирларни ўтказиш тартибини белгилаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда куч тузилмаларида от спорти янада ривожлантириш ва мутахассис чавандозларнинг маҳоратини ошириш мақсадида ташкил этилганини таъкидлаб, иштирокчи жамоаларга омад тиладилар.

Мусобақаларга старт берилгач, қуръа ташлаш натижаларига кўра, дастлаб майдонда Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардия жамоалари ўзаро беллашиб, 5:0 ҳисобида Миллий гвардия жамоаси ғалаба қозонди.

ДХХ Чегара қўшинлари ҳамда

Ички ишлар вазирлиги жамоалари ўртасида кечган навбатдаги баҳс эса 8:1 ҳисоби билан чегарачилар жамоаси фойдасига ҳал бўлди. Шу тариқа финалга икки кучли жамоа: ДХХ Чегара қўшинлари ҳамда Миллий гвардия жамоалари йўл олиб, қизғин ва мурасиб баҳслар якунига кўра, 3:0 ҳисобида Чегара қўшинлари жамоаси мусобақа ғолибига айланди. Иккинчи ўрин Миллий гвардия жамоасига, учинчи ўрин эса Ички ишлар вазирлиги жамоасига насиб этди.

Баҳсларни Ўзбекистон поло федерациясининг тажрибали мураббий ва ҳакамлари одилона баҳолаб бордилар. Таъкидлаш лозимки, чегарачилар жамоаси куч тузилмалари ўртасида ўтказиб келинаётган поло мусобақаларида 4 йилдан буён ғолибликни қўлдан бермай кетма-кет ғалаба қозониб келмоқда.

Тадбирга ташриф буюрган фахрийлар томонидан ўтказилаётган бундай спорт мусобақалари куч тузилмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш билан бирга, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни от спортига қизиқтириш ҳамда миллий брендимизга айланган қорабайир зотли отларнинг доврўғини янада оширишга хизмат қилишини ҳам алоҳида қайд этдилар.

– От – жуда қудратли, ақлли ва кўркам жонивор. Чин йигитнинг ҳақиқий ҳамроҳи, йўлдоши ҳисобланади, – дейди подполковник Баҳодир Юнусов. – ДХХ Чегара қўшинларида отларнинг асосан қорабайир зотини кўпайтиришга аҳамият берилади. Чунки қорабайир зоти Марказий Осиё иқлим шароитларига мослашган, чидамли, турли касалликларга бардош бериши билан бошқа зотлардан ажралиб туради.

«Қорабайир зоти – чегарачининг оти» деган ибора ҳам бор. Бу отларнинг ҳар томонлама чидамлилигини ҳарбий хизматчиларимиз яхши билишади. Отларга энг яқин дўст сифатида муносабатда бўлишади. Отни севсангиз, у ҳам қалбингизни тушунади. Сизга бегонасирамасдан айтганингизни бажаради. Мана, бугунги ўйинни ҳам, эришилган натижани ҳам юқоридаги сўзларимнинг исботи сифатида кўришингиз мумкин.

Мусобақа давомида ДХХ Чегара қўшинларининг Намунали кўргазмали оркестри ҳамда Ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан ижро этилган ватанпарварлик, юртга садоқат ва меҳр-оқибатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият улашди.

Ғолиблар кубок, медаллар ҳамда диплом билан тақдирландилар.

Сарҳадларимиз посбонларига навбатдаги ғалаба муборак бўлсин, деймиз!

Майор Фарида БОБОЖОНОВА
ДХХ Чегара қўшинлари



– Равзияхон, хо-ой Равзияхон, – уй ичидан Каромат холанинг бўғиқ товуши эшитилди.
 – Қаердасиз, қизим?..

– Ҳози-ир, ҳозир бораман, – ҳовлида иш қилиб юрган Равзиянинг ҳар доимгидек энсаси қотди. «Чақиргани чақирган, жағи тинмайди», ўзига ўзи гапирган кўйи бамайлихотир қайнонаси ўтирган ичкари хона томон юрди.

– Келдингизми, қизим? – ялинчоқ қиёфада келинига термилди онахон.

– Намунча бақирмасангиз, қўшнилар эшитса, нима дейди, ойи?

– Уй ичида бўлсам, қўшнилар қандай эшитсин, қизим? Жавоб бермаганингизга узоқроқдамисиз, ё бирор жойга чиқдингизми деб...

– Ҳовли юмушларидан, оила ташвишларидан ортиб, бир жойга чиқиб бўлармиди бу уйда!

– Менам дард сабаб оёғингизга тушов бўлдим, болам. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар, дўхтирлар оёғимдаги гипсни олса, юриб кетсам керак.

– Шунча ҳаракат, укол-доридан кейин юриб кетасиз-да! Уғлингиз қанча пул сарфлади ахир!

– Ҳа, борликларингга шукур, томоғим қақраб кетди, бир пиёла чой дамлаб беринг, қизим. Кейин, юришимга сал ёрдам берсангиз, равонга чиқиб олардим. Ҳовлини, келган-кетганларни томоша қилиб ўтираман. Буёғи баҳор, қуёшдан бахра олгиси келади одамнинг.

– Ойи, шундоғам сизни бир-икки марта жойингиздан қўзғатаман деб белим оғриб қолди. Уғлингиз келсин, равонга олиб чиқади. Ҳозир чой дамлаб бераман.

Каромат хола қовоқ уйиб, силтаниб чиқиб кетган келинининг ортидан маҳзун термилиб қолди, муомаласидан дили оғриди. «Кексаликка даво йўқ, деб шуни айтишар экан-да, – уҳ тортди момо. – Қариганда касалликни енгиш ҳам қийин бўларкан. Соппа-соғ оёғинг ишламай қолса-я. Суяк ёрилган, пай узилган, дейди, суяқда емирилиш кетяпти, дейди. Ёшинг етмишга яқинлашгандан кейин шу экан-да. Нима бўлгандаям, Аллоҳим ибодатидан қўймасин. Ўзидан ўзгага муҳтож қилмасин, шифо берсин, фарзандларга термилтирмасин экан. Уғил-қизлар ўзи билан ўзи овора. Кунинг келинлар, невараларга қоларкан. Майли, шуларнинг бориға шукур, униб-ўссин, илоҳим, дилингни оғритмай бир қошиқ овқат берса бўлгани...»

Шомга яқин ишдан қайтган Қаюмжон кўлида пакетлар билан онасининг олдиға шошилди.

– Ассалому алайкум, волидам, нега қоронғида ўтирибсиз? – у шошилиб чироқни ёқди ва онаси билан саломлашиш учун ёнига чўкди.

– Яхшимисиз, онагинам, оёғингиздаги оғриқлар қийнамаяптими?

– Раҳмат, болам, анча яхши.

– Келинингиз, болалар кўринмайди, бирор таси чироқни ёқиб берса бўлади-ку!

– Равзияхон ошхонада бўлса керак, болаларинг энди мактабдан келади, тушдан кейин ўқийди-ку.

– Бугун ҳаво жуда яхши бўлди, равонга чиқмабсиз-да, она. Баҳор қуёши одамга ёқади.

– Қўлтиғимга бир киши кирмаса, оёқ қурғур юрмайди-да. Келинингиз бир ўзи қийналади, бели оғриб қолмасин дейман.

– Майли, эртага эрталаб равонга олиб чиқаман, ўша ерда бирга нонушта қиламиз. Ҳовлидаги дарахтлар куртак отибди, эрта-индин гуллайти, барг ёзади. Томоша қилиб ўтирасиз.

– Раҳмат, болам, баҳорни соғиндим. Қиш кирибдики, оёғим касал. Кўкламга етказганига шукур...


– Вой, қачон келдингиз, кўрмай қолибман, – майин жилмайиб эрига юзланди ичкарига кирган Равзия. – Машинангизни ҳовлиға олиб кирмабсиз?

– Ҳа, онамга бирор нарса керак бўлса, олиб келай дегандим. Онажон, дориларингиз етарлими, нима егингиз келяпти?

– Дориларим етарли, болам. Мана, мен яхши кўрадиган мевалардан олиб келибсан, борингга шукур. Олдимда ўтирсанг бўлгани.

– Яхши, унда машинани ҳовлиға киритиб қўяй.

– Мендан рўзғорга нима керак, деб сўрамай-сиз ҳам, – Каромат холанинг олдида турган пакетдаги мевалар-



ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

(воқеий ҳикоя)

га қараб энсаси қотди Равзиянинг. – Қанча камчилик бор, дадаси.

– Тушунмадим, эрталаб нима керак бўлса, тайинлатинг, бозорлик рўйхлатини телефонингга ташладинг. Ҳамма айтганларингни олиб келганман, машинанинг орқасида турибди, – хотинининг ўринсиз эътирозидан унга ажабланиб қаради Қаюмжон ва: – Онажон, кийимларимни алмаштириб чиқай, бирга овқатланамиз, – дея хонаси томон юрди.

Кечки таом устида барча оила аъзолари Каромат холанинг олдида жам бўлишди. Қайнонасининг оёғи оғриб юрмай қолгандан буён шундай. Бу ҳол Равзияга ёқмайди. Ахир замонавий қурилган ошхонасида барча шароит етарли. Ўша ерда эри, болалари билан овқатланишни истайди. Аммо

қайнонаси сабаб... Ўзига қолса, қайнонасининг дастурхонини аллақачон алоҳида қилиб, емак-ичмагини олдиға тайёрлаб берарди. Бироқ эри бунга асло рози бўлмайди. Бир марта эрига бу гапнинг учини чиқаргани, яхшигина гап эшитиб олди...

– Онажон, қани, таомни бошлаб беринг, келинингиз маставани боқлайди-да.

– Равзияхоннинг қўли дард кўрмасин, ҳамма овқатга уста, – келинига хушомад қилиб қараб қўйди Каромат хола. – Овқатдан олаверинглар, бошидан татиб кўрдим, озгина совисин, ичаман.

– Келинг, совитиб бераман, – Қаюмжон онасининг олдидаги таомни олиб, қошиқ билан қовлаб, ҳовурини чиқаришга тутинди.

Не ажабки, унга келтирилган сергўшт маставадан фарқли ўларок, онасининг косасига номигагина гўшт солинганди. Буни кузатиб турган Равзиянинг ранги оқарди. Қаюмжон ҳеч нарса билмагандек, ўзининг косасидаги таомни бир оз совитиб, онаси олдиға қўйди.

– Онажон, менинг овқатим анча совибди, шуни ича қолинг.

– Ўзингнинг ризқингни ўзинг ич, ўғлим, – эътироз билдирди Каромат хола.

– Волидам, сизга ҳар доим овқатнинг боши сузилади. Сизга ўхшаб юрай, инжиқлик қилманг...

Қаюмжон билан Равзия ўртасидаги келишмовчилик шундан бошланди. Хотинига ҳар томонлама ишонадиган йигит шу кундан эътиборан унинг онасига нисбатан муомаласи, озиқ-овқатини назорат қилишга ўтди. Эрининг йўқлигида билганидан қолмайдиган Равзия кўп бор панд еди. Эридан неча бор дашном эшитди.

– Унутма, онамга қанча яхши хизмат қилсанг, мендан шунга яраша меҳр-муҳаббат кўрасан. Оиладаги ҳамма емак-ичмакнинг сарасини, аввало, онамнинг олдиға қўясан, тушунарлими?

– Шундоғам, озиқ-овқатнинг олдини ойижоним ейдилар, кўнглингиз тўқ бўлсин! – эрига кесатик билан жавоб қайтарди Равзия.

– Яхши, онамга қилган хизматинг эртага фарзандларинг, келинларингдан ўзингга қайтади. Ортингдан кузатиб юришим шарт эмас, юқорида кўриб тургувчи Зот бор!..

Қаюмжондан гап эшитган пайтлари Равзиянинг кун бўйи қовоғи очилмас, эрининг танбехлари аламини қайнонаси билан олиб, уни ёлғизлатиб қўярди. Кунлардан бирида ғазаб-

га минган жувон Каромат холанинг тушлиқдаги таомига «мана сенга!» дея бир неча бор тупуриб, кейин олдиға олиб кирди. Бу жирканч ҳаракатидан жазавага тушган кўнгли таскин топгандек бўлди. Ҳар сафар эри билан келишмовчилик бўлганида қайнонасининг овқати ва чойига алам билан тупуриб қўядиган одат чиқарди. Бора-бора бу хунук қилмиши Равзия учун оддий ҳолга айланди...

* * *

– Оғиз бўшлиғига чиқадиган яраларнинг бундай турини ҳеч кўрмагандим, – эр-хотинга ҳолатни тушунтирди шифокор. – Қон таҳлиллари яхши чиқди, қонда шамоллаш йўқ. Бошқа турдаги таҳлилларда ҳам ўзгариш кузатилмади, – оғиз атрофларига қадар яра босиб, озиб кетган Равзияга афсус билан назар ташлади у. – Айтишингизга қараганда, беморимиз асаб билан боғлиқ дориларни ҳам кўп ичибди.

– Доктор, бирор чорасини кўринг, хотиним неча ойдирки деярли овқат егани йўқ, – шифокорга ялинди Қаюмжон. – Бу туришда бошқа касаллик орттириб олмаса деб кўрқаман. Қанча жойларга кўрсатдик, натижа бўлмади. Сизни шу йўналишда кучли мутахассис дейишди, илтимос, ёрдам беринг. Қандай хизмат бўлса, тайёрман.

– Сизни тушуниб турибман, ука, оғиз тўла қонталаш яра билан овқатланишининг ўзи бўлмайди. Биз ҳаракатдан тўхтамаймиз, сиқилманг, синглим, – юм-юм йиғлаётган Равзияга таскин берди шифокор. – Муолажани янги укол-дорилар билан давом эттирамиз. Яна бир гап, – эр-хотинга сирли оҳангда қўшиб қўйди шифокор, – узоқ йиллик тажрибам давомида оғиздаги ҳолат билан боғлиқ кўп беморларни кўрдим. Барчамиз ҳам хом сут эмган бандаларимиз. Бу синоатли дунё. Библи-билмай оғизга хунук ножўя сўзлар олиш, нозик жойларга тупуриш ҳам инсонларни синондан ўткази...

Шифокорнинг сўнги сўзидан Равзиянинг юраги қалқиб тушди. «Қайнонам... унинг овқатларига... Наҳотки гуноҳимни шифокор айтсагина, тушуниб етсам! Менга ҳаёт илмидан сабоқ берган, уйимнинг фариштаси бўлган, ўғил-қизларимни катта қилишган қайнонам қилмишларимни кечирармикан? Тезроқ унинг дуосини олишим керак...»

Зулфия ЮНУСОВА,
 «Vatanparvar»

ВИТАМИНЛАР!



ОРГАНИЗМ УЧУН ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

Биз шундай замонда яшаймизки, аксарият инсонлар «витамин» сўзини фақатгина бир қути таблетка деб тушунади. Асли бунга ҳайратланмаса ҳам бўлади. Чунки бугун дори сотувчи катта-катта фирма ва компаниялар рекламага зўр бериб, витамин комплексларини сотиб олиш «ўта зарурлиги» ҳақида бонг уряпти. Оқибатда инсонлар онгига «витаминлар фақат таблетка кўринишида дорихоналарда сотилади», деган тушунча ўрнашиб қолди. «Хўш, бунинг нимаси ёмон?» дерсиз. Келинг, бу саволга куйида ойдinлик киритамиз.

Тирик организмнинг ҳаёт фаолияти ва нормал моддалар алмашинуви учун зарур бўлган органик бирикмалар витаминлар деб аталади. Озиқ моддалар таркибида қандайдир моддалар етишмаслиги натижасида одамлар касал бўлиши тўғрисидаги маълумотлар қадимги Хитой манбаларида, кейинчалик Гиппократ асарларида ҳам қайд этилган. Организмда витаминлар синтез қилинмайди, киши ўзи учун зарур витаминларни турли овқат моддалари билан олади. Овқатда улар етишмаганда гиповитаминоз, мутлақо бўлмаганда эса авитаминоз пайдо бўлади. Витаминлар организмда содир бўладиган кимёвий реакцияларни кучайтиради, организмнинг озиқ моддаларни ўзлаштиришига таъсир кўрсатади, ҳужайраларнинг нормал ўсишига ва бутун организмнинг ривожланишига ёрдам беради, организмда ферментлар таркибига кириб, уларнинг нормал фаолияти ва фаоллигини таъминлайди. Витаминлар организмда энергия алмашинувида (B_1 , B_2), аминокислоталар (B_6 , B_{12}) ва ёғ кислоталар (*пантотенат кислота*) биосинтезида, фоторецепция жараёнида (*A*), қон ивишида (*K*) ва кальцийнинг ўзлаштирилишида (*D* витамини) иштирок этади. Шундай қилиб, организмда бирор витамин етишмаса ёки бутунлай бўлмаса, моддалар алмашинуви бузилади. Озиқ-овқатда витаминлар етишмаганда кишининг меҳнат қобилияти пасаяди, организмнинг касалликлар таъсирига чидамай камаёди. Витамин етишмовчилигига овқат таркибида витаминлар кам бўлишигина эмас, балки уларнинг ичақда сўрилиши, тўқималарга етказиб берилиши ва биологик фаол шаклга айланиш жараёнларининг бузилиши ҳам сабаб бўлади.

Инсон витаминларнинг катта қисмини овқат орқали қабул қилади. Аммо истисно ҳам мавжуд: *D* витамини ультрабинафша нури таъсирида ишлаб чиқарилади.

Аслида витаминлар бизнинг организмимизнинг ўзига хос ёрдамчилари ҳисобланади. Улар ферментларнинг тўғри ишлашига ҳисса қўшиш билан бирга баъзида гормонлар родини бажариб, тартибга солиш вазифасини ҳам ўтайди.

МИНЕРАЛ ИОНЛАР

Дарвоқе, витаминлар ҳақида гапирганда минерал ионларни ҳам ёддан чиқармаслик зарур. Чунки ушбу неорганик бирикмалар осмотик босимни тўғри ушлаб туриш учун муҳим бўлиб, уларнинг баъзилари оксиллар ва нуклеин кислоталари таркибига киради. Уларнинг манбалари ҳамма ерда бор. Сиз истеъмол қиладиган ҳар бир нарса ўзида ви-



тамин ва минераллар сақлайди. Шундай бўлса-да, ёдингиздан чиқарманг: витамин ва минералларга энг бой манбалар – мевалар, сабзавотлар, гўшт, балиқ, дон, нон ва сут ҳисобланади.

ВИТАМИНЛАР КОМПЛЕКСИДА НИМА НОТЎҒРИ?

Витаминлар ёғда ва сувда эрувчи тоифаларга бўлинади. Сувда эрувчиларни сув билан ичиш керак, ёғда эрувчиларни эса ёғли таом тановули вақтида қабул қилиш керак. Сувда эрувчилар тўпланмайди ва танадан тез чиқиб кетади, шу сабабли улар кунига бир неча марта қабул қилинади. Ёғда эрувчиларни эса аксинча, бир кунда бир маҳал ичиш кифоя. Шунингдек, улар рисоладагидек сақланиши учун таблетканинг турли қисмларида жойлашиши керак. Ҳамма ишлаб чиқарувчилар ҳам буни ҳисобга олмаслиги мумкин ёки таблеткани қандай тўғри қабул қилиш кераклигини йўриқномада кўрсатиб ўтишни шунчаки унутиб қўйишади. Унутманг, ўзимизга керакли барча витаминларни битта дорида жамлаш имкони бордек туйилиши мумкин. Аммо ҳаммаси бунчалик оддий эмас.

ВИТАМИН ТАНҚИСЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Озиқ-овқат қўшимчалари ва ҳар қандай турдаги витаминларни қабул қилишда уларнинг ортиқча миқдори жиддий зарар етказиши мумкинлигини унутмаслик керак. Организмни витаминлар билан чексиз рағбатлантириш

уларнинг етишмаслигидан кўра хавфлироқдир.

Яқин даврларгача қишдан чиққан одамлар организмда витамин етишмаслиги кузатилган. Чунки баҳор ойида фойдали озуқавий ўсимлик маҳсулотларини топиш қийин эди. Аммо бугунги кунда бутунлай бошқача меню мавжуд. Бугун одамлар йил давомида сабзавот ва меваларни истеъмол қилади.

Демак, организмда витамин танқислиги юзага келмаслигини истаганлар доимий равишда витаминлар комплексини ичмасдан, витамин ва минералларга бой соғлом овқатланиш қоидаларига риоя қилса кифоя.

КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ

Албатта, узокни кўра олмасликни витаминлар билан даволаш мумкин эмас, лекин кўриш қобилиятини сақлаб қолиш эҳтимоли катта. Фақат улар беморнинг аҳволи ва касаллик тарихини ҳисобга олган ҳолда мутахассис томонидан танланиши керак.

Кўриш қобилиятини қўллаб-қувватладиган витамин препаратларининг учта катта гуруҳи мавжуд: каротиноидларга асосланган; қорағатларга асосланган ва аралаш. Кўзлар учун муҳим витамин бўлган бета-каротиннинг асосий манбаи сабзи бўлиб, унинг таркибидаги лютеин кўзнинг тўр пардасини ҳимоя қилади ва сариқ суюқлик дегенерациясининг ривожланиш хавфини камайтиради.

Қорағатлар антиоксидант, яллиғланишга қарши ва қон томирларини мустаҳкамловчи хусусиятлари туфайли соғлом кўришни қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, у юқори қон босимини пасайтирадиган, яллиғланишни камайтирадиган ва тўр пардани кислород билан таъминлайдиган артерияларнинг текилиб қолишига йўл қўймайдиган антиоксидантларни ўз ичига олади.

ОРГАНИЗМДА С ВИТАМИНИ ЕТИШМАСА...

Тўғри ташхисни фақат шифокор қўйиши мумкин. Аммо, қоида тариқасида, иммунитет ва иштаҳа пасайса, соч тўкилиши кузатилса, бу организмда *C* витамини етишмаслигининг белгиларидан биридир.

У ёшартирувчи витамин деб аталади. Бу бошқа бир қатор витаминларнинг таъсири кучайтиради.

Аскорбин кислотаси танқислигини аниқлаш жуда оддий. Агар сизда кунлик чарчоқ ортиб борса, уйқусизлик ва тез-тез шамоллаш, милкнинг қонаши кузатилса, демак, организмнинг *C* витамини етишмаяпти.

C витаминидан ташқари *A* витамини ҳам организмнинг тўғри ишлашига, тери ва сочларни мукамал ҳолатда сақлашга ёрдам беради. Уни дори-дармонлар шакли-

да қабул қилиш шарт эмас, шунчаки рационга балиқ, тухум ва сут қўшиш керак. *A* витамини инсон организмда озиқ-овқат билан бирга қабул қилинадиган пигментлардан (*каротинлар*) ҳосил бўлади — улар наъматак, сариқ қоқоқ, тарвуз, сабзи, ўрикларда кўп.

Бироқ битта муҳим томони бор: *A* витамини организмда *E* витамини етарли бўлгандагина мукамал тарзда сўрилади. *E* витамини ўсимлик ва сариёғ, ёнғоқларда мавжуд. Бу кучли антиоксидант бўлиб, у қаришни секинлаштиради ва юрак деворларини мустаҳкамлайди.

Шуни ёдда тутиш муҳимки, *C* витаминининг меъёрдан ошиши организмга акстаъсир кўрсатади. Унинг суткалик дозаси 40 миллиграмми ташкил қилади. *E* витамини истеъмолида ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Уни бир кунда 3-4 грамм қабул қилиш етарли бўлади.

D ВИТАМИНИ НИМА УЧУН ФОЙДАЛИ?

Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, *D* витамини витаминлардан кўра табиатан гормонларга яқинроқ. У кальций ва фосфор даражасини сақлаб туради, суяк мустаҳкамлигига таъсир қилади, қон босими ва юрак уриш тезлигини тартибга солишда иштирок этади.

D витамини ультрабинафша нурлари таъсирида организмда синтезланади. Инсон камдан-кам йилнинг кўп қисмини қуёшда ўтказиши ва ультрабинафша нурларидан тўлиқ миқдорда фойдаланилмайди, шунинг учун кўпчилик шифокорлар беморларга қўшимча равишда *D* витаминини ичиб юришни тавсия қилади.

Организмда *D* витаминининг максимал сингизиши *A*, *E*, *C* витаминлари ва *B* гуруҳи витаминлари билан бирлашганда содир бўлади. *D* витамини кўплаб озиқ-овқатларда мавжуд ва уни табиий шаклда рационга киритиш жуда қийин эмас. Бу витамин ёғли балиқ, пишлоқлар, сариёғ, сутда мавжуд.

Аммо, шуни ёдда тутиш керакки, ушбу маҳсулотларнинг барчаси керакли миқдорнинг атиги 10 фоизини таъминлайди. Демак, *D* витамини танқислигининг олдини олиш учун эндокринолог томонидан тайинланган *D* витаминини ичиш фойдadan холи бўлмайди.

Эслатма!

Витаминлар истеъмолида эҳтиёт бўлинг! Чунки у меъёрида бўлса, даволовчи самара беради, меъёрдан ошиши эса организмни заҳарлайди. Шунинг учун витаминларни шифокор кўрсатмасига кўра истеъмол қилинг.

Г. ҲОЖИМУРОВА тайёрлади.

O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi va Toshkent harbiy prokuraturasi xodimlari bolalar, ijtimoiy himoyaga muhtoj hamda kam ta'minlanganlar salomatligini yaxshilashga qaratilgan "Men donorman" xayriya qon topshirish aksiyasida qatnashdilar.

MEN — DONOR



Insonning hayotini asrab qolish ko'pincha qon quyish jarayoni bilan bog'liq. Qon esa kimyo laboratoriyalarida ishlab chiqilmaydi, u inson organizmidagi bebaho ne'mat. Faqat muruvvatli insonlarning yordami bilangina og'ir ahvoldagi bemorlarni hayotga qaytarish, ularning umriga umr qo'shish mumkin.

Keyingi yillarda bunday savob amalni bajarayotgan insonlarning soni tobora ortayotgani quvonarli. Qolaversa, donorlikning afzalliklari bo'yicha turli aksiya, targ'ibot tadbirlarining ham ko'paygani ezgu ishga bosh qo'shayotganlar soni oshishiga turtki bo'lmoqda.

Sog'lom kishi uchun qon topshirish mutlaqo xavfsiz. Sababi inson organizmidagi, odatda, 4,5-5 litr qon bo'lsa, undan 200 yoki 400 ml olinadi. Organizmda esa kamaygan qon miqdorini 36 soat ichida to'liq tiklab olish xususiyati mavjud. Eng muhimi, arterial gipertoniya xastaligining oldini olish, moddalar almashinuvini yaxshilash va immun tizimini mustahkamlashda qon topshirishning ahamiyati katta.

Insonning insonga qon topshirishdek oliy darajadagi hadyasi bo'lmasa kerak. Bu orqali kimgadir hayot bag'ishlash eng savob ishlardan biri sanaladi.



Adliya podpolkovnigi Sardorbek YORMATOV, Respublika Harbiy prokuraturasi yordamchisi

O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi tomonidan harbiy xizmatchilar va ular oila a'zolarini har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ijtimoiy himoyasini ta'minlash maqsadida harbiy xizmatchilarning turarjoy ta'minotini tartibga soluvchi elektron platforma ishlab chiqildi.



UY-JOYNI TAQSIMLASH RAQAMLASHTIRILMOQDA



Mazkur platforma uy-joy ta'minoti faoliyatini elektron tarzda tartibga solish, quyi bo'g'inlar faoliyati nazoratini soddalashtirish, hujjatlarni yig'ish va uy-joy komissiyasiga taqdim qilishni osonlashtirish, turarjoylar taqsimotining shaffofligi va adolatligini ta'minlash kabi inson omilini kamaytirishga qaratilgan tamoyillar asosida yaratildi.

Ushbu tizimdan foydalanish tartibini tushuntirish maqsadida Bosh prokuratura hamda Respublika Harbiy prokuraturasi mas'ullari tomonidan Mudofaa vazirligi markaziy apparatida o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

Videokonferensiya orqali o'tkazilgan mashg'ulotda Qurolli Kuchlar tarkibidagi vazirlik va idoralarning barcha bo'g'indagi uy-joy ta'minotiga mas'ul shaxslari ishtirok etdi.

Adliya podpolkovnigi Rustam KAMOLOV, Respublika Harbiy prokuraturasi bo'lim harbiy prokurori

✓ SAYYOR QABUL

Toshkent harbiy prokuraturasi tashabbusi bilan shahar favqulodda vaziyatlar boshqarmasi hamkorligida O'zbekiston yoshlar ijod saroyida ommaviy sayyor qabul o'tkazildi.

IJTIMOY HIMOYA YO'LIDA



Sayyor qabulda Toshkent harbiy prokurori A. Boboyev va boshqa mutasaddi tashkilotlardan mutaxassislar hamda 200 nafardan ortiq harbiy xizmatchi va ularning oila a'zolari qatnashdi.

Unda jami 37 ta murojaat qabul qilinib, 5 tasiga qonuniy tushuntirishlar berildi, 6 tasi joyida qanoatlanirildi va 26 tasi belgilangan tartibda ko'rib chiqish uchun tegishli tashkilotlarga yuborildi.

Tadbir davomida harbiy xizmatchilarning mehnat bilan band bo'lmagan oila a'zolarining bandligini ta'minlash maqsadida bo'sh ish o'rinlari mehnat yarmarkasi ham tashkil etildi. Unda Toshkent shahri kambag'allikni qisqartirish va bandlik bosh boshqarmasi 500 dan ortiq bo'sh ish o'rnini bilan qatnashdi.

Mehnat yarmarkasida bir nafar harbiy xizmatchining turmush o'rtog'iga mutaxassisligi bo'yicha ishga joylashish uchun yo'llanma berildi va hokim yordamchilari tomonidan o'zini o'zi band qilish yo'li bilan 9 nafar harbiy xizmatchining turmush o'rtog'larining bandligi ta'minlandi.

Bundan tashqari, tadbir davomida harbiy prokuror A. Boboyev tomonidan Toshkent shahri FVBning xizmat vazifalarini bajarish vaqtida vafot etgan 4 nafar xodimining oila a'zolariga rag'batlantirish pullari topshirildi.

Adliya podpolkovnigi Alisher QURBONOV, Toshkent harbiy prokuraturasi yordamchisi

✓ OGOHLIK

MUHIM OMIL

Mudofaa vazirligiga qarashli Farg'ona viloyatida joylashgan harbiy qismlarning birida "Biriktirilgan obyektlarda yong'in xavfsizligini tashkil etish" shiori ostida ko'rgazmali mashg'ulot o'tkazildi.



Tadbirda Farg'ona garnizoni yong'in nazorati inspeksiyasi, viloyat favqulodda vaziyatlar bo'linmasi mas'ul ofitserlari va boshqa mansabdor shaxslar ishtirok etdi.

Mashg'ulot davomida so'zga chiqqanlar uy-joy, harbiy qismlarda yong'in xavfsizligiga e'tiborni kuchaytirish, yong'in xavfsizligi qoidalariga rioya qilishni ta'minlash hamda elektr tokidan zararlanishning oldini olish haqida batafsil ma'lumotlar berdi.

Bu kabi tadbirlarning muntazam o'tkazilishi shaxsiy tarkibda yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish to'g'risida umumiy tushuncha va bilimlarini oshirishda muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

Mayor Baxtiyor ERGASHEV

BOLAJON

KITOB QADRI

(hikoya)

Beshinchi sinf o'quvchilari Oybek bilan Bilol bir partada o'tirishadi. Oybek o'quvchilar ichida a'lochilardan. Bilolning esa o'qishga u qadar hushi yo'q. Onasi ertalab erkatoy o'g'lini zo'rg'a o'rnidan turg'izib, majburlab maktabga yuboradi.

Bir kuni sinf rahbari barcha o'quvchilarni maktab kutubxonasiga olib kirmoqchi bo'ldi va tayinladi:

– O'quvchilar, hozir barchamiz kutubxonaga kiramiz. Hamma o'ziga bittadan kitob tanlaydi. Keyingi hafta darsdan tashqari kitobxonlik soati o'tkazamiz. O'shanda barchangiz o'qigan kitoblaringiz haqida ma'lumot berib o'tasiz, tushunarlimi?

– Tushunarli, ustoz.

– Tushundik... – biri qo'yib, biri javob qaytardi bolalar.

Kutubxonada hamma o'quvchilar kitob tanlashga tushdi. Bilol o'ziga hajmi ixcham bo'lgan kitob izlay boshladi. "Menga kichik kitob ham bo'laveradi, – xayolidan o'tkazdi u. – Baribir o'qimayman, ikki-uch kunda qaytarib olib kelaman". U aytganini qilib eng kichik kitobni tanladi-da, ro'yxatdan o'tkazib, uyiga olib ketdi. Xonasiga kirgan zahoti papkasini uy burchagiga otdi. Shosha-pisha ovqatlanib, kompyuter o'ynashga tushdi.

– Bolam, darsingni qilmaysanmi?

– Bilolni ogohlantirdi onasi. – Yana dadangdan tanbeh eshitib yurmagin.

– Hozir-i-r, – erinibgina javob qaytardi u va onasining qistovi bilan dars qilishga o'tirdi.

Sumkasidan kitob va daftarlarini olib, stol chetiga qo'ygandi, ayrimlari pastga tushib ketdi. U parvo ham qilmadi. Ular orasida kutubxonadan olgan kitobcha ham bor edi. Ko'p o'tmay, xonaga ikki yoshli ukasi Iftixor kirib keldi.

– O'g'lim, ukangga qog'oz bilan qalam berib qo'y, – Bilolga tayinladi onasi. – Rasm chizib o'tirsin. Men oshxonani yig'ishtirib olay.

– Mayli, beraman, faqat ukamni

tezroq olib keting. Bo'lmasa menga dars qildirmaydi.

– O'zgina sabr qilsang, hozir olaman.

Iftixor akasi bergan qog'ozga rasm chiza boshladi. Sal o'tmay zerikdi va stol tagida yotgan kitob va daftarini ko'rib qoldi. Kitobchani qo'lga olib, muqovasi va ichlariga rasm chizishga tushdi. Bu ham yetmagandek varaqlarini g'ijimlab tashladi. Agar onasi kirib qolmaganda kitobni yirtishi mumkin edi.

Xullas, oradan bir hafta o'tib, Bilolning kutubxonadan olgan kitobini topshirish vaqti keldi. Eng yomoni, u kitobning ezilgani va ustiga chizilganiga parvo ham qilmadi.

– Bu nima ahvol? – ko'zlari katta-katta bo'lib ketdi kutubxonachining.

– Kitobni senga berganimda yangi edi, uni nima qilding?

– Men... men hech narsa qilmadim. Haligi... ukam...

– Kitob ukangning qo'lida nima qiladi, buni sen o'qigani olganding-ku?


– Ukam olganini ko'rmay qolibman... – kutubxonachi opadan ko'zini olib qochdi Bilol.

– Kitobga nisbatan shu qadar beparvo bo'lasanmi? Bitta kitob tayyor bo'lishi uchun qancha insonning ko'z nuri, mehnati singishini bilasanmi? Uni ijodkor yozadi, qayta-qayta ishlaydi, so'ngra nashriyotga topshiradi. Nashriyot xodimlari tomonidan u yana o'qiladi, tahrir qilinadi, musahhihlar qo'lida imlo xatolari to'g'rilanadi, rassom kitob muqovasi ustida ishlaydi, yana bir qator jarayonlardan so'ng bosmaxonaga topshiriladi. Bosmaxona ishchilari ter to'kib, uni kitob shakliga keltiradi. Kitobning o'quvchilar qo'lga yetib borishi oson emas. Sen bo'lsa, beparvolik bilan, ukam olganini bilmay qolibman, deb o'tiribsan! Unutma, kitob qadrini bilmagan o'quvchi hech qachon yaxshi o'qimaydi, ziyoli inson bo'la olmaydi!

– Kechiring, – kutubxonachining ta'sirli gaplaridan yuzi qizarib, boshini egdi Bilol. – Ikkinchi bor bunday xatoni takrorlamayman.

Shu kundan e'tiboran unda katta o'zgarish yuz berdi. Partadoshi Oybekdan o'rnak olishga harakat qildi. Baholari yaxshilandi. Eng asosiysi, kitob bilan haqiqiy do'stga aylandi.

Diyora FAXRUTDINOVA,
Mirzo Ulug'bek tumanidagi
241-umumta'lim maktabining
8-sinf o'quvchisi



BOLAKAYNING SOYASINI TOPING!

Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсияномаларни топшириш маросими ўтказилди. Унда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда вазирлик масъул офицерлари иштирок этди.

БИР ҚАДАМ ҚОЛДИ



Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, бу ҳақда Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори имзоланган эди. Тавсияномалар танлов асосида мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган, жанговар хизматда ва илмий фаолиятда муайян натижаларга эришган ҳақиқий хизматни ўтаётган офицерларга, сержантлар ва оддий аскарлар таркибига мансуб бўлган, контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига 5 фоизли квота доирасида олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун берилди.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат давомида ярадор бўлган, контузия, шикаст олиш натижасида ногирон бўлиб қолган ёки касалликларга дучор бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларининг бакалавриятига давлат гранти асосида танловсиз қабул қилиниши тўғрисида тавсияномалар берилиши белгиланган. Қарор ижросини жорий йил мисолида оладиган бўлса, 1 074 нафар ҳарбий хизматчининг фарзандларига тавсияномалар берилди. Уларнинг 42 нафари эса олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичига давлат гранти асосида танловсиз қабул қилиниши тўғрисидаги тавсияномаларга эга бўлди.

Ўтказилган мазкур маросимда ҳам 32 нафар йигит-қизга 5 фоизли квота асосида олий таълимнинг бакалавриат босқичига танловсиз ўқишга кириш тўғрисидаги тавсияномалар вазирликнинг Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари – бошқарма бошлиғи полковник Меҳриддин Қўчқоров томонидан тантанали равишда топширилди.

– Очиғи, ушбу тавсияномага лойиқ кўрилишим қутилмаган ҳол бўлди, – дейди Диёра Қандаҳарова. – Шунинг учун қувончимни сўз билан ифода этиб бера олмайман. Бу биз учун ўзига хос масъулият демақдир. Биз, ёшлар бу каби имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда келажакда ўз соҳамизнинг етук кадрлари бўлиб етишишга ваъда берамиз. Талабалар сафидан жой олишимизга яна бир қадам қолди.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»

ТА'ЗИВА

ИСТЕЪФОДАГИ ПОЛКОВНИК АБДУКАРИМОВ ИРИСМУҲАММАД ҚОСИМОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий матбуот нашри «Vatanparvar» газетасининг биринчи бош муҳаррири истеъфодаги полковник Абдукаримов Ирисмуҳаммад Қосимович вафот этди.

Ирисмуҳаммад Қосимович 1957 йилда Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида туғилган. 1980 йилда Москва давлат педагогика институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини ёшлар билан ишлаш органларида бошлаган.



И. Абдукаримов Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилган илк йилларда миллий армияни шакллантириш, мамлакатимизда ҳарбий хизмат ва касб нуфузини ошириш каби муҳим жараёнлар кечаётган мураккаб даврда – 1993 йилнинг июнь ойидан «Vatanparvar» газетасига бош муҳаррир этиб тайинланди. Мазкур масъулиятли лавозимда ҳарбий хизматчилар ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида улуғ аждодларга муносиб ворислар этиб тарбиялаш, кенг жамоатчилик ўртасида ҳарбий хизматга нисбатан ижобий фикрни шакллантириш, ота-бобларимизнинг Ватан ҳимояси йўлидаги қаҳрамонликлари, буюк саркардаларимиз ҳаётига бағишланган туркум мақолаларни чоп этишда жонбозлик кўрсатди. Жасур ва мард йигитларнинг фидойи хизматларини тарғиб қилди. Шунингдек, ўзбек ҳарбий журналистикасининг ривожланишида юксак ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятини намоён этди. Бугунги кунда унинг ўнлаб шогирдлари устоз анъаналарини давом эттирмоқда.

И. Абдукаримовнинг кўп йиллик самарали хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Жасорат» медали билан мукофотланган.

Устоз офицер нафақага чиққанидан кейин ҳам мамлакатимизда кечаётган ўзгаришларга бефарқ бўлмади. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирларида фаол иштирок этди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг «Ishonch» – «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятида фаолият юритди. Федерациянинг тарих музейини ташкил этишда ташаббускор бўлди ва унинг раҳбари этиб тайинланди.

Меҳрибон устоз, қадрли дўст ва раҳбар, истеъфодаги полковник Ирисмуҳаммад Абдукаримовнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирамыз.

Унинг ёруғ хотираси ҳамиша қалбимизда сақланиб қолади.

Мудофаа вазирлиги раҳбарияти,
Мудофаа вазирлиги Фахрийлар ишлари
бўйича марказий кенгаши, Мудофаа вазирлиги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар
департаменти «Vatanparvar» бирлашган
таҳририяти бошқармаси

@Vatanparvargazetasi_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati
bilan bog'lanish uchun telegram bot



SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI

<p>VATANPARVAR</p> <p>MUASSIS</p> <p>ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI</p> <p>www.mudofaa.uz</p>	<p>Tahririyat kengashi: general-mayor Hamdam Qarshiyev polkovnik Otabek Yuldashev polkovnik Alisher Boboxonov Maqsud Abilov</p>	<p>Bosh muharrir: podpolkovnik Ahror Ochilov</p>	<p>Navbatchi: podpolkovnik Gulnora Hojimurodova Sahifalovchi: Nodirabegim Ne'matova Musahhih: Sayyora Mirzayeva</p>	<p>Gazeta juma kuni chiqadi. Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqan boshlagan.</p>
	<p>Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Gazeta Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – “Vatanparvar” birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.</p>	<p>ISSN 2010-5541</p> <p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>Telefonlar: kotibiyat: 71 260-36-50 buxgalteriya: 71 260-35-20 yuridik bo'lim: 71 260-29-41 faks: 71 260-32-29</p>	<p>Buyurtma: Г-0505 Hajmi: 6 bosma taboq Bichimi: A3 Adadi: 33 890 nusxa Bosishga topshirish vaqti: 14:00 Topshirildi: 14:30</p> <p>Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga “O'zbekiston” NMIU mas'ul.</p>	<p>Nashr ko'rsatkichi: 114. Bahosi: kelishilgan narxda. “O'zbekiston” nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.</p> <p>1 2 3 4 5 6</p> <p>Manzilimiz: 100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.</p>